БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 27 июль Жума
№ 139 (13.576).
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ

Биринчи саҳифага мактуб

Таклифимга қўшиласизми?

Қани айтинг-чи ташкилот, бирлашма ва ижодий уюшмаларнинг ногирон беморларга кўрсатаётган ғамхўрликлари кўнглингизни тўлдираяптими? Мен бу саволга «Йўқ», деб жавоб бераман. Тан олиш керак, бу мавзу матбуотда кенг ёритилаяпти. Аммо, аччиқ бўлса ҳам айтиш лозимки, ногиронларнинг ҳаёти, туриш-турмуши ҳақида куйиб-пишиб ёзган муаллифлар қалам ҳақларини ўзлари олаяптилар. Бу таъна эмас, албатта. Қаламҳақи уларнинг устларини бут қилмаса-да, қисман моддий ёрдам кўрсатиши, энг муҳими, бошқа ташкилот раҳбарларининг эътиборини шу томонга қаратиши мумкин. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мен рўзномаларда ҳар ойда бир марта «Ҳайрия» саҳифаси ташкил этишни таклиф этаман. Саҳифада ёритилган мақолаларнинг қалам ҳақи оилалари ночор бўлган ногиронларга, қариялар ва етим болалар уйларига юбориб турилса.

Ўйлайманки, халқ манфаати, унинг фаровонлиги учун ҳормай-толмай меҳнат қилаётган ҳамкасбларим ана шу хайрли ишни амалга оширишда ташаббускорликни қўлга оладилар. Келинглар, азизлар, йўлимизга кўз тикиб, биздан нажот кутаётган кимсаларга бўлган меҳр-мурувватимизни аямайлик.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон маданият фонди матбуот маркази махсус мухбири, журналист.

(Муаллиф шу мақоланинг қалам ҳақини «Савоб» ширкати ҳисобига ўтказади).

Ким эътибор беради?

Элимизда айни пишиқчилик. Боғларга, полизларга йўлингиз тушиб қолса, кўзингиз қувнайди. Ҳил-ҳил пишган мевалар-у, қовун-тарвузларнинг хушбўй ҳидидан дилингиз равшан тортади. Табиатнинг бу нозунеъматларини одамларга тортиқ қилишда ҳамма ҳам холисона хизмат қилаяптими?

Шу кунларда пойтахтнинг бозорлари мева-чевага тўлиб тошди. Полиз маҳсулотлари ҳам мўл-кўл. Аммо мени, фақат менигина эмас, балки минглаб ҳамшаҳарларни ташвишга солаётган бир муаммо ҳанузгача ҳал этилмаяпти. Тўғрироғи эътибордан четда қолмоқда.

Яқинда Юнусобод даҳасининг 8-мавзесида йўл чорраҳаси ёнида савдо қилиб ўтирган деҳқондан (агар чин деҳқон бўлса кошкийди) иккита тарвуз сотиб олдим. Уйга олиб бориб, истеъмол қилишга қилдиг-у бироздан сўнг ҳаммамизнинг қорнимизда оғриқ бошланди. Яхшиямки «Тез ёрдам» бор экан. Жонимизга оро кирди. Бўлмаса...

Бир савол туғилади. Бозордаги қовун-тарвузлар номига бўлса ҳам текширилади. Кўчалардагичи? Уларга ҳеч ким эътибор бермайди. Тошкент шаҳрининг ноҳияларидаги санитария-эпидемиология марказлари масъул ходимларининг эса парвойи фалак. Бўлмаса қовун-тарвузлардан заҳарланаётганлар сони кундан-кунга кўпаймасди.

Бунга ким эътибор беради?

Отабек РАЗЗОҚОВ,
Тошкент Давлат дорилфунуни толиби.

Султон Содиқ ким эди?

«Фан ва турмуш» ойномасида Туркистоннинг асл ватанпарвар фарзанди, қозоқ элининг ботири Султон Содиқ ҳақида мақола эълон қилингач, узоқ вақт ана шу мақола таъсирида юрдим. Мақола менда беқиёс ғурур уйғотди, шу билан бирга юрагимни ўкинчга тўлдирди. Ғуруримнинг боиси Туркистон халқлари ўз ватанларини босқинчиларга дарров бериб қўймаганлари, мардона курашлар олиб борганлари, иттифоқ тузиб, ҳамкорликда жанг қилганларидир.

Ўкинчимнинг боиси эса тарихимиздан бехабарлигимиз, шунча йиллар ўқиган тарихимизнинг фақат алдовдан, халқимизнинг бой ва мардона ҳаётини бузиб, бутунлай тескари баён қилинганидандир. Юртимиздан Султон Содиқ, Бобобек, Жўрабек, Қурбонжон додҳодек кишилар етишиб чиққани ҳақида яқиндан бошлаб айтилмоқда. Ахир рус босқинига қарши турганлар бизга босмачилар, одамхўрлар, хоинлар қилиб кўрсатилди. Ҳатто уларнинг бу оламдан яшаб ўтганлиги тўғрисида ҳам лом-мим дейилмади. Тарихда гўё бундай одамлар ўтмагандек, жангу-жадаллар бўлмагандек.

Ойнома маълумот беришича, Султон Содиқ қардош қозоқ элининг ўрта жуз уруғининг хони Кенасархоннинг ўғлидир. Рус босқини бошлангач, бу элларнинг қуввати етмай аста-секин мағлуб бўла бошладилар. Лекин Султон Содиқ Туркистоннинг содиқ фарзандлари билан курашни давом эттирди. У Авлиё ота, Туркистон, Чимкент ҳимоясида иштирок этди ва сўнгра Тошкент мудофаасини ташкил қилди. Кейин Жиззахда курашни давом эттирди. Зирабулоқдаги қаттиқ жангларда саркардалик қилди. Сўнг Туркман элига бориб, аскарлар тўпламоқчи бўлди.

Умуман олганда, Султон Содиқ қаригунга қадар истилочиларга қарши курашиб ўтди. Ўттиз йиллик умри ватанини, халқининг озод бўлиб қолмоғига бағишланди.

Султон Содиқнинг ҳаёти, мардлиги, жасурлиги, тадбиркорлиги Жалолиддин Мангубердини эслатади. Бугунги авлодлар ана шундай мард, жасур боболари руҳи олдида қарздордирлар. Истардимки, Тошкент яқинидаги босқинчи генерал Черняев номи билан аталадиган жой Султон Содиқ номи билан аталса. Қанийди Халқлар дўстлиги майдонида қардош қозоқ элининг ботири, Туркистоннинг улуғ фарзанди Султон Содиққа муносиб ҳайкал қўйилса. Бунга у бутунлай муносиб деб ўйлайман.

Мели ҲАКИМОВ,
Ғаллаорол ноҳияси.



«Наманганнинг олмаси...» деб айтиладиган машҳур қўшиқни эшитгансиз, албатта. Лекин Наманган заминида яна юзлаб ширин-шакар мевалар, полиз маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Масалан, биргина Янгиқўрғон ноҳиясидаги «Қора полвон» давлат хўжалиги Москва шаҳри аҳолисига 15 тонна мева юборди. Вилоят бўйича Ватанимиз пойтахтига сотиш учун 100 тонна мева юборилиши кўзда тутилган.

СУРАТДА: бу дугоналар кунига юзлаб килограммлаб мева узишмоқда.

Бизнинг мусоҳаба

ВАЗИРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Аввал хабар қилганимиздек, шу йил 19—25 июль кунлари Ўзбекистонда Совет — Ироқ дўстлиги кунлари қатнашчилари ироқлик бир гуруҳ меҳмонлар жумҳуриятимизда бўлдилар. Сафар сўнггида мухбиримиз Ироқ делегациясининг раҳбари — Давлат вазири Аршод аз-ЗИБИРИ билан учрашиб, сафар таассуротлари ҳақида сўради.

— Ҳозирги нотинч асрда бундай дўстлик алоқалари жуда муҳим аҳамият касб этади. Совет Иттифоқи ва Ироқ давлатининг дўстлик алоқалари жуда чуқур илдизга эга. Асосий мақсадимиз бу ишни янада мустаҳкамлашдир. Бизлар бу ерга, Совет Иттифоқидан эса бизнинг юртимизга боришади. Бундан ташқари маданий, иқтисодий, савдо-сотиқ ва илмий алоқаларимизни яхшилаб йўлга қўйишимиз керак. Ҳозирги ташрифимиз эса бу ишдаги кичкина бир қадамдир.

Пойтахтнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик ва асрлар оша ўз қаддини тиклаб турган Самарқанд, Бухоро шаҳарларида бўлдик. Одамларнинг меҳмондўстлиги қалбимизда чуқур ва катта таассурот қолдирди. Самарқанд яқинидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида ва «Картон» қишлоғи меҳнаткашлари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг яшаш тарзлари билан танишдик. «Аль-Байарик» фольклор дастаси ўзининг санъатини намойиш этди.

Ўзбекистондан олган таассуротларимиз ҳақида албатта юртдошларимизга сўзлаб берамиз.

Жумҳуриятда кўпгина диндорлар билан ҳамсуҳбат бўлдик. Айниқса, Иттифоқ мусулмонларидан бир йўла 1500 кишининг Маккаи Мадинада, Ҳаж сафарида бўлиб қайтиши қувонтирди, бир воқеадир. Ислом дунёсида катта обрўга эга Бухоро шаҳридаги «Мир Араб» мадрасасида бўлиб, жумҳуриятда диний эркинликка йўл очилганлигини амалда кўрдик. Мадрасада талабаларнинг ўқиши, яшаш шароитлари билан танишдик. Ал-Бухорий мадрасасида «Азон» айтилишини эшитдик. Совет Иттифоқида қайта қуриш шарофати билан динга муносабат кескин ўзгарганлигини кўриб турибмиз. Аввалгари бу ҳақда фақат матбуот орқали маълумотга эга эдик, холос. Ҳозир эса бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз. «Минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал», деб бежиз айтишмаган, албатта.

Ироқ жумҳуриятида «Ёшлар иттифоқи» ташкилоти бор. Бу ташкилот кўпгина талаба ёшларни ўзига бирлаштирган. Улар бизнинг келажагимиз. Шу боисдан, президентимиз Саддам Ҳусайннинг ёшларга эътибори катта. Ёшларга қанчалик эътибор берсак, уларга йўл очсак, бу бизнинг ютуғимиз, бу билан келажакка замин тайёрлаган бўламиз.

М. МАВЛОНОВ.

Жумҳурият янгиликлари

● ЕЗЕВОН қишлоғидан савдо шохобчаларига эркаклар ва болаларнинг кийимлари келтирила бошланди. Бу ерда Фарғона тикувчилик-бадиий буюмлар фабрикасининг филиали ишга туширилди. Собиқ уй бекалари ҳамда қишлоқ ўрта мактабларини яқинда битирган қизлардан 165 киши бу ерга ишга кирди, улар иш бошлашдан аввал тикувчилик касбини ўзлаштириб олишди. Бўлим лойиҳадаги қувватга етгач, йилига икки миллион сўмлик харидоргир моллари ишлаб чиқара бошлайди.


● ХИВА ГИЛАМДЎЗЛИК ишлаб чиқариш бирлашмасида «Шарқ нақшлари», «Кўҳна манзаралар» деб аталган сўнгги гиламлар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Хоразмлик усталарнинг ишлари Бутуниттифоқ бадиий кенгашининг Олмаотада бўлган йиғилишида юқори баҳоланди. Бирлашмада йил бошидан бери жами ўн иккита янги андоза ўзлаштирилди. Ана шу андозалар асосида тўқилган гиламларга харидорларнинг эҳтиёжи катта бўлмоқда.

● «УЗАВТОТРАНСТЕХНИКА» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳаракат хавфсизлиги бўлимининг мутахассислари ишлаб чиққан услубга асосан ҳозир автохўжаликларда жорий этилган йўл ҳайдовчиларнинг кайфияти қандай даражада эканлигини аниқлашга имкон беради. Бунинг натижасида йўловчилар ташийдиган автобусларнинг ҳайдовчиларини текшириш, бундан ташқари йўлнинг мураккаблигига қараб уларни янада тўғрироқ тақсимлаш имконияти яратилди.

(ЎзТАГ).

Саломатлик клуби

Суҳбатдошимиз — Х. Б. Қуриёзов Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бўлими мудири. Сезган бўлсангиз, мулоқот мавзуси — ўша-ўша. Она денгиз қуриши билан Орол музофотида оммавий касалланиш, одамларнинг эртанги кунга умиди, ҳалокатдан чиқиш йўллари ва... бу ишларга «тепа»нинг қараши...



ТАҲЛИКА МИНТАҚАСИ

— Хушнуд Бобоевич, дастлабки саволимиз май ойида СССР Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг воҳада бўлиб ўтган кўчма ҳайъати йиғилиши ҳақида. Тўғрироғи, бу йиғилишдан кўзланган мақсад амалга ошган-ошмагани тўғрисида...

— Тушундим. Орол музофотида санитария аҳволини яхшилаш борасидаги КПСС Марказқўми, СССР Олий Шўроси ва СССР ҳукумати 1110 қарорининг биринчи бандида аҳолини ёппасига табобат кўригидан ўтказиш кўрсатилганди. Бу воқеа иттифоқ тарихида биринчи марта бўлиши. Аниқроғи, тажриба эди, холос.

Кўрик муваффақиятли ўтишини таъминлашга бизнинг кучимиз етмасди. Шу боис четдан ёрдам беришди. Ҳозиргача аҳолининг 99 фоизи табобат кўригидан ўтиб бўлди. Натижа 72,6 фоиз аҳоли касал. Қамқонлик, ошқозон-ичак, юрак-қон томир касалликлари. Энг ачинарлиси, болалар ўртасида касаллик нисбатан жуда кўп.

Кўчма ҳайъат мазкур қарор ўша бандининг ижросини ўрганиш ва қилинган ҳаракат ҳисоботи эди. Якун шундай — табобат кўриги ҳукумат олдига қўйилган масалаларнинг тўла ҳақлигини исботлади.

— Тўғри, аммо неча йиллки пойтахтдан келиб-кетаётган делегацияларнинг саноғидан адашдик. Одамлар улар ҳақда «...келишди, кўришди, кетишди...» дейишга ўрганишди. Билмоқчимиз, кўчма ҳайъатдан бирор наф бўлдими ёки бўладими?

— Шу вақтгача аҳволимиздан нолиб келдик. «Ўзинг учун ўл етим», деганидек. Мана ҳаққоний манзара — даволаш муассасаларининг етмиш фоизи мослаштирилган биноларда, медпунктларнинг 80 фоизи мослаштирилган уйчаларда жойлашган. Деярли тўқсон фоиз даволаш муассасаларида қувур суви йўқ, қишлоқ амбулаторияларининг етмиш фоизида телефон ўрнатилмаган... Яшаётган муҳит талабга жавоб бермаса — ҳаммаси бекор.

Дейлик, касал кишини бир ой даволайлик, кейин бошқа жумҳуриятларга курорт ва дам олиш уйларига юборайлик. Соғайиб кетади. Аммо, у яна қайтиб келиб шу муҳитга тушади, мутлақо яроқсиз бўлган шу сувни истеъмол қилади. Аҳволи баттарлашади. Қайталанган касал — инсон жисмини кемириб бораверади. Демоқчиман, Орол денгизида сув масаласи ҳал бўлмас, туз бўронлари тўхтамас, ичимлик суви яхшиланмас экан — хатти-ҳаракатларимиз вақтинчалик бўлиб қолаверади.

Кўчма ҳайъатдан олганимиз — бутун Орол музофотидаги вилоятларга умумфонддан ташқари табобат ускунаси ажратиш ҳақида қарор қилинди. Бошқа томондан ҳам озми-кўп мадад кутаяпмиз. Урганч шаҳрида 1200 ўринли, қиймати юз миллион турадиган даволаш комплекси қурилишига рухсат олинди. Унинг тенг ярми оналар ва болаларга мўлжалланади. Ўн учинчи беш йилликда биринчи бўлим ишга туширилиши мўлжалланган. Ҳозир ер ажратилди, лойиҳаси тайёрланмоқда. Айтиб қўйиш керак, бу улкан комплекс жумҳуриятимизда ягона бўлади.

— Хушнуд Бобоевич, булар ҳали шунчаки қарор, кўрсатмалар... ёки ваъдалар. Ижросига кафолат йўқ. Эртага маблағ баҳона, шарт-шароит баҳона ярим йўлда қолиб кетиши ҳеч гапмас. Маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, вақтинча бўлсада аҳволни ўнглашга уринса бўлмасмикан?

— Маҳаллий шароит дейсиз. Вилоятимизда касалхоналар тақчиллигига бош сабаб Урганч шаҳри раҳбарларининг узоқ йиллар ўзларича юритган сиёсати бўлган. Марказдаги вилоят касалхоналарини улар гўё ўзлариники деб тасаввур қилишган. Шаҳар аҳолиси учун бирорта даволаш муассасаси бунёд этилмаган.

Сиҳат-саломатлик дастурлари неча марта ишлаб чиқилди. Лекин, маҳаллий раҳбарларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлигидан бирортаси ҳам ижобий натижа берганича йўқ. Соғлиқ фонди ташкил этиш, тушган маблағни қишлоқлардаги аҳволи ночор табобат муассасаларига ишлатишни режалаштирганмиз. Корхона-ташкилотлар, хўжаликлар «қўли қисқа»лигини баҳона қилиб, маблағ топиб беролмайдилар.

Мен Ҳазорасп ноҳия касалхонасида бош врач бўлиб ишлаганман. Бош врач иш кунининг етмиш фоизи раҳбарлар олдида тиланчилик билан ўтади.

— Ўша кўчма ҳайъатда Оролбўйига табобат десанти жўнатиш тўғрисида гап-сўзлар бўлганди...

— Дастлабки десантчилар келишди. Бу ҳаракатнинг ижобий томони — ҳақиқатан ҳам малакали врачлар етишмайдиган ноҳия касалхоналари мавжуд. Ёзги касалланиш мавсумида ёрдам кучи керак. Лекин, ҳисоб-китобли бўлгани яхши. Нимага шундай деяпман? Ўтган йилни олайлик, каттагина десант келди. Ревматизм соҳаси бўйича профессор бўлган одам Боғот ноҳиясидаги Киров номли жамоа хўжалиги болалар касалхонасида фаолият кўрсатди. Бу касалхонада фақат ошқозон-ичак касалликлари билан оғриган болалар даволанади. Бу профессор ёрдам бериш ўрнига кўпроқ ишдан қўйди.

Ёки СССР Болалар фондининг ишончли врачини олиб кўрайлик. Кўпдан ишлаб юрибди. Мақсад яхши. Маош юқори. Кабинет, енгил машина, имтиёзли бошпана... Бераётган ёрдами эса... назорат қилиш, қоғозлар тўлдириш, юқорига жўнатиш билан машғул. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ишини режалаштиришда умуман тажрибаси йўқ. Ишлаш муддати ҳам маълум эмас. Шу назоратчи врачга бир йилда тўланган маблағга бир хўжаликда амбулатория қуриш мумкин бўларди... Ёки маҳаллий мутахассисларга беришса, фойдаси кўпроқ бўларди. Қайта қуришнинг илк оқимида келган партия раҳбарларига ўхшайди улар. На маҳаллий шароитни тушунишади, на аҳоли дардини...

Москвадан биттаси келганди, вазиятни тушунди, қиладиган ишидан наф йўқлигини билгач, ўзи қайтиб кетди... Бу масалани юқорироқда кўтармоқчи бўлсанг, дарров байналмилал туйғуларга зид иш қилма, деб дўқ уришади. Қизиқ, одамлардан йиғилган бадаллар ҳисобига қоғозбозлик билан машғул бўлган одам... байналмилалчи эмиш.

Яна кишига қаттиқ ботадиган томони, мазкур десантга ёлланадиган врачларни биринчи навбатда маошнинг юқорилиги қизиқтиради. Чунки, ҳаво ҳароратининг ўта баландлиги, экологик муҳитнинг ёмонлиги туфайли уларга қўшимча ҳақ тўлашади. Биздаги бечора врачларга-чи?

Яна бир нарсани шу ўринда айтиб ўтай, Оролбўйи музофотидаги аҳолига икки хил кўз билан қараш анъанаси ҳамон давом этмоқда. Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида бошқача-ю, бизда бошқача. Муҳит эса эгизакдек ўхшаш.

— Жавобларингизда норозилик оҳанги сезилди. Айтдингизки, сўнгги ўн йилда касаллик шу даража ошиб кетди. Яна ўн йиллардан сўнг нима бўлишини врач сифатида тасаввур қилсангиз керак?

— Юқорида эслатилган 1110 қарорнинг бир банди соғлиқни сақлаш бўлимига, қолгани бошқа тармоқларга тегишли эди. Ўтган фурсатда, ростини айтган яхши, бандларнинг бирортаси ҳам бажарилмади. Фақат ваъда, қуруқ сўз билан кифояланиб келдик.

Ҳеч бўлмаса биринчи масала бўлган ичимлик суви ҳам ҳал қилинмади. Нисбатан яхши, ичишга яроқли деб топилган сувнинг кимёвий таркибига бир назар солайлик: бир литр сувда қаттиқлик ўлчами 7 мг бўлиши кераги ҳолда ҳозирда 11,5 мг. Сув буғланганда чўкиб қоладиган кимёвий моддалар миқдори беш йил олдин бир литрда 1142 мгни ташкил этарди, ҳозир 1445. Энг аниқроғи, сувнинг давлат белгилаган талабига жавоб бермаслик миқдори 1986 йилда 11,4 фоиз бўлса, ўтган йили 58,4 фоизга етган.

Бошқа яна нима керак?

Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди.



Ҳодисахон Тўражонованинг асли касби — архитектор. У 1981 йилда Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш олий ўқув юртини битказиб, йўлланма билан тўғри Андижонга келди. Уни Андижон асосий йўллар қуриш ва фойдаланиш бошқармасига қабул қилишди. Шу-шу у водийдаги ушбу вилоят йўлларининг созлиги учун жон куйдириб келмоқда.

У 1987 йилда фирқа сафига кирди. Ўзбекистон Компартияси XXII съездида андижонлик йўлсоз коммунистларнинг вакиласи сифатида қатнашди.

СУРАТДА: Ҳ. Тўражонова.

Аъзамжон МИРЗАЖОН сурати.

ФЕРМЕРЛАР ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДА

Қорақалпоғистон чорвачилигида муайян силжиш сезилмоқда. Тармоқ ходимлари биринчи ярим йилликда шартномавий мажбуриятларини уддаладилар. Соғин сигирлар сони ўтган йилга нисбатан кам бўлишига қарамай, икки минг тонна кўп сут соғиб олинди, гўшт тайёрлаш умумий ҳажми ошириб бажарилди. Хўжалик юритишнинг янги усулларини қўлланиш ҳал қилувчи омил бўлди. Мухтор жумҳуриятда шахсий хўжаликлар кенгайди — мингдан ортиқ оилавий фермалар рўйхатга олинди. Худди шу фермерлар маҳсулотнинг катта қисмини етиштириб беришди.

Мухтор жумҳурият шу сабабдан ҳам деҳқон хўжаликларини тузишга доир жумҳурият кўрик-семинари ўтказиладиган жой сифатида танланди. Семинарда Ўзбекистон вилоятларининг вакиллари — фермерлар, фирқа ва шўро ходимлари, олимлар қатнашдилар. Семинар қатнашчилари Нукус, Кегайли ва Хўжайли ноҳияларига бориб деҳқон хўжаликларини ташкил этиш билан танишдилар. Одатда бундай хўжаликларда кам куч билан чорва молларининг юксак маҳсулдор бўлишига эришмоқдалар.

Семинар қатнашчилари Нукусда ялпи мажлисга якун чиқаришар экан, маҳаллий шўролар, жамоа ва давлат хўжаликларининг раҳбарлари билан қалин алоқа боғланган ҳолдагина катта натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидладилар. Лекин фермер хўжаликларини ташкил этишда ҳали ҳам турли тўсиқлар бўлиб турибди, улар учун техника ва омухта ем, озуқа экинлари учун ер ажратиб бериш кечиктириб юборилмоқда.

Семинар ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг котиби А. И. Икромов, Қорақалпоғистон вилоят фирқа қўмитасининг биринчи котиби С. Д. Ниетуллаев, Қорақалпоғистон АССР Олий Шўросининг Раиси Т. А. Ешимбетова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Хориждан хабарлар

Телетайп лентасидан

СИЭТЛДА СОВЕТ — АМЕРИКА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

СИЭТЛ. (ТАСС). Вашингтон штати дорилфунунида Яхши ният ўйинлари фуқаролар айирбошлаш программаси доирасида Совет — Америка муносабатларида ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш муаммоларига бағишланган «Олий бўғин раҳбарлари конференциялари» мавзуидаги умумий мунозара ниҳоясига етди. Мунозарада иккала мамлакатнинг машҳур сиёсат ва жамоат арбоблари, шунингдек академиклар ва ёшларнинг вакиллари иштирок этдилар, ҳарбий харажатларни қисқартириш ва миллий иқтисодиётни қайта йўналтириш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш муаммолари ва, хусусан, Тинч океан регионида савдо-иқтисодий ҳамкорлик истиқболлари учрашувнинг диққат марказида бўлди.

ДАКАР. (ТАСС мухбири Владимир Емельянов). Сенегалда ҳар юз аёлга ўртача 95 эркак тўғри келади. Эркакларнинг 44,4 фоизи уйланмасликни афзал кўрувчи бўйдоқлар бўлиб, айни пайтда турмушга чиқмаган хотин-қизлар атиги 19,3 фоизни ташкил этади. Сенегалликлар ана шу қизиқарли рақамларни Дакарда чиқадиган «Солей» рўзномасидан билиб олдилар. Рўзнома 1988 йилги аҳоли рўйхати якунларига доир статистика маълумотларини эълон қилди.

Сенегалда аҳолининг 94 фоизи ислом динига эътиқод қилади. Қуръонда бир неча хотин олишга рухсат этилса ҳам, сенегаллик мусулмон эркакларнинг атиги 28,3 фоизининг иккита ва ундан ортиқ рафиқаси бор. Айни пайтда сенегаллик аёллардан 52,1 фоизининг кундошлари бор. Қизлар етук ёшдаги эркакларга турмушга чиқишни афзал кўрадилар, шу сабабли Сенегалда бева эркакларга нисбатан бева аёллар кўпроқ.

Статистика маълумотларига қараганда, 1988 йил 27 майда Сенегалда 6 миллион 928 минг 405 киши яшаган. «Солей» рўзномасининг фикрича, аҳоли ҳар йили 2,9 фоиз кўпаяётганлиги ҳисобга олинса, ҳозир аҳоли сони 7 миллионга етди, деб дадил айтиш мумкин.

Аҳолининг кўпчилиги — 43,7 фоизи волоф элатига мансубдир. Пулар-тель (ёки Фульбе) ва тукулерлар бир-бирига яқин элатлар бўлиб, улар 23,2 фоизни, серрер элати эса 14,8 фоизни ташкил этади. Шунингдек диола мандинго ва бошқа кам сонли халқлар ҳам бор. Энг кўп тарқалган тил волоф тили бўлиб, мамлакат аҳолисининг 70 фоиздан кўпроғи бу тилни билади.

ПРАГА. (ТАСС мухбири Виталий Ярошевский). Чехословакияда гиёвандликка қарши курашувчи уюшма тузилди. Янги ижтимоий ҳаракат ҳар қандай наркотикларга — спиртли ичимликлардан тортиб героингача — ҳаммасига қарши курашувчи кишиларни бирлаштиради. Уюшма асосчилари орасида врачлар, психологлар, черков вакиллари, собиқ гиёвандлар бор. Гиёвандликка қарши кураш уюшмаси муозий жамоат ташкилотлари билан, мамлакат ички ишлар вазирлигининг бўлимлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини айтди.

Давлатлар ўртасидаги чегаралар очиб қўйилган шароитда, дейилади уюшманинг баёнотида, мамлакатга анъанавий наркотик моддалар — қорадори, наша, кокаин келтирилиши хавфи кучаяди. Бу иллатга қарши самарали кураш олиб бориш учун криминалистлар ва врачларнинг кучлари етарли эмас, чунки Чехословакияда ҳозироқ 1,5 миллион киши гиёвандлик ва ичкиликбозлик касалига йўлиққан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭНГ ЁШ ОИЛА

● ШВЕЙЦАРИЯНИНГ БОДЕН кўли яқинидаги Линдау деган шаҳарчада дунёдаги энг ёш оила яшайди. Улар Бланка ва Оливер Граллолардир. Бланканинг ёши 18 да, Оливер эса 20 ёшда. Шундай бўлса-да, уларнинг тўрт нафар: олти ёшли эгизаклар Стефания ва Ивона, уч ёшли Оливер ва бир яшар Женнифер исмли фарзандлари бор. Болаларни тарбиялашда уларнинг бувилари — Бланканинг 38 ёшли онаси қарашади, деб ёзади «Недельна правда» (ЧСФЖ) рўзномаси.

ЕТМИШ ЙИЛ ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИСИЗ!

● ГОЛЛАНДИЯНИНГ ЛИМБУРГ вилоятида полиция ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ кишини ушлаган. Текшириш пайтида маълум бўлишича, 89 ёшли бу қоидабузар ҳайдовчи етмиш йилдан бери ҳеч қандай гувоҳномасиз машина рулини бошқариб келган экан. Полициянинг фикрига кўра, бу Нидерландияда ҳайдовчилик гувоҳномасисиз машина ҳайдашдаги рекорд натижадир. Буни қарангки, шу 70 йил мобайнида қария бирор марта ҳам кўча ҳаракати қоидасини бузмаган экан.

СУВАРАККА ҚАРШИ ҚОПҚОН

● СУВАРАКЛАРНИ ҚИРИБ ташлайдиган бирор бир тайинли заҳарли модда ҳозирча йўқ. Айтишларича, ядро портлаганда ҳам улар тирик қолишар экан.

Австралиялик мутахассислар бир неча йил узоқ изланиш олиб борганларидан кейин суваракларга қарши курашишнинг бирмунча фойдали қурилмасини яратдилар. Бу доира шаклидаги электр қопқондир. Уни ҳашоротлар кўп йиғиладиган жойга қўйиб, ичига хўрак солинади. Суваракчлар хўракка қараб югурганларида албатта орқалари билан пружинали контактга тегиб кетишади ва натижада электр занжири ҳосил бўлиб, ўша заҳоти 8,5 миллиампер қувватли ток уни ўлдиради, деб хабар беради, «Вельт ам зоннтаг» (ГФЖ) рўзномаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



Ҳозирги пайтда Лотин Америкаси мамлакатларида кокаин муаммоси кун сайин оғирлашиб бораяпти. Чунки Америка бозорларига асосий кокаинни шу ўлка етказиб беради. Унинг меҳнати ҳам енгил эмас. Минг азобда етиштирилган маҳсулотлар Колумбия ва Бразилияда қайта ишлаш учун юборилади. Биргина Перуда, матбуот хабарларига қараганда, коки етиштиришда ҳозир юз минг деҳқон банд экан. Лекин асосий фойда кимнинг чўнтагига бориб тушишини ёлғиз худо билади...

Суратда: мана шу барглар қайта-қайта ишланиб кокаинга айланади.

(ТАСС суратлавҳаси).

«Қорадори—90» операцияси

КЎРИБ КЎРМАГАНЛИККА ОЛИШМИ?

«Қорадори—90» тадбирининг қатнашчилари кўкнори, наша сингари экинларни етиштиришга ишқибоз бўлган кишиларни аниқлаш учун ўзгаларнинг полизларида неча марта юришларига тўғри келди. Бундай экинзорлар эса Қашқадарё вилоятида кам эмаслиги маълум бўлди. Масалан, Чироқчи ноҳиясидаги Охунбобоев номли давлат хўжалигида М. Шодмоновнинг ерида 4206 туп кўкнори топиб олинди. «Қаршинефть» бошқармасининг ҳайдовчиси Б. Муқимов шундайгина вилоят маркази ёнидаги Лағмон қишлоғида Ҳиндистон нашасини эккан экан. Лекин Деҳқонобод ноҳиясидаги Оқиртма қишлоғида яшовчи пенсионер О. Имомов ҳаммадан ўзиб кетди — 6400 туп кўкнори экиб парваришлаётган экан.

Ушбу тадбир қатнашчилари бориш қийин бўлган ерлар устидан вертолётда ўтишар экан, «эгасиз» кўкнори майдонларини топишди. Масалан, Деҳқонобод ноҳиясидаги Чучуккудуқ қишлоғида 150 квадрат метр ҳажмли кўкнори майдони борлиги аниқланди. Қанча уринишмасин, унинг эгаси маълум бўлмади.

Тўғри, тадбир қатнашчилари топган барча экинлар пайҳон қилиб ташланди. Уларнинг собиқ эгалари энди Ўзбекистон ССР мажмуасига мувофиқ жазоланадилар. Лекин беихтиёр бир савол туғилади: қишлоқларнинг аҳолисидан ҳам, хўжаликларнинг раҳбарларидан, маҳаллий шўроларнинг ходимларидан ҳам қорадори экилган майдонлар хусусида бирор марта нима сабабдан ташвишли хабар берилмади экан! Ёки кўриб-кўрмасликка олишармикин! Бунинг натижасида жамоатчилик учун хавфли балога, айниқса, бангиликка қарши кураш бир неча марта натижасиз тугагани маълум-ку, ахир!

(ЎзТАГ).

Бизни ўйлантираётган муаммолар

ОШКОРАЛИК ЙЎЛИДА

Халқ орасида шундай латифа юради. Эмишки, худо жаннатдан дўзахга қувилганларни яна қочиб кетмасин, деб уларга қоровул биркитиб қўйибди. Иттифоқо марказдан комиссия келадиган бўлиб қолди. Худонинг ўзи уларга ҳамроҳлик қиладиган бўлибди.

Комиссия жаннатдан қувилганлар яшайдиган жойни кўздан кечирибди. Қараса бир тўда одам бир кишини қўриқлаб ўтирибди.

— Нега бундай? — деб сўрабди комиссия раҳбари.

— Шундай бўлиш керак. Бу тоифадаги одамлар юз кишини ҳам алдаб қочиб кетиши мумкин, — деб жавоб берибди худо.

Улар сал юришгач, юзга яқин одам жойлашган жойда битта ҳам қоровул кўринмабди. Бунинг сабабини худо шундай изоҳлабди:

— Бу тоифадаги кишиларга қоровул керак эмас. Мабодо уларнинг бири қочаман деса, иккинчиси оёғидан тортиб қолади...

Илгари жумҳуриятимизда ҳам, Иттифоқимизда ҳам буржуа турмуш тарзини фош этишни ватанпарварлик бурчи деб қабул қилинарди. Бироқ яқин тўрт-беш йил ичида жумҳуриятимиз марказий матбуот учун «буржуазия ўчоғи»га айланди. Куни кеча Рейган маъмуриятига, буржуазия кирдикорларини фош қилган марказий матбуот бугун 180 даражага бурилиб, Ўзбекистонга қарата ҳуруж бошлади.

Сталинизмнинг ўттиз йиллик қонли ҳокимияти, Хрушчевнинг маккажўхоричилик сиёсати, Брежневнинг коммунистик мафияси жумҳуриятимизни танг аҳволга солиб қўйгани энди ҳаммага аён.

Қатағон йилларидаги мудҳиш воқеалар ҳақида ёзилган мақолаларни ўқиб, бир-бирининг оёғидан чалган ҳамюртларимиз қисматини эслаб кўрайлик. Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фитрат, Чўлпонларни Сталин ўз қўли билан отмаган-ку. Бу элимизнинг асл фарзандларини Сталин қўлига топширган ўзимиз эканмиз-ку. «Пахта иши» бўйича бошланган қама-қамаларда бир-биримизни сотган ҳам ўзимиз-ку! Бизга кадр юборинг, деб фирқа съездида ёлғон кўз ёшларимизни тўккан биз эмасмидик! Москва бу ёлғон кўз ёшларига ишонди. Кўп ўтмай жумҳуриятимизга таклиф этилган кадрлар кела бошлади. Биз ўзимизнинг қадимий анъанамизга кўра ишимизни, уйимизни бўшатиб бердик. Энди биз таклиф этган «кадр»ларимиз бизга нописандлик билан қарай бошладилар.

1988 йили Навоий вилоятидан Бутуниттифоқ XIX фирқа конференцияси делегатлари билан учрашув бўлган эди. Учрашувда журналист Раҳим Қодиров вилоят фирқа қўмитаси биринчи котибига шундай савол берганини яхши эслайман:

— Сиз ўзбекларнинг қўлини кўксига қўйиб саломлашишини лаганбардорлик деб баҳолагандингиз. Наҳотки, ўзбекларда шундай одат борлигини сизнинг ёнингиздаги бюро аъзолари бир оғиз айтишмади?

Ўшанда биринчи котиб йўл қўйган хатосини тан олди.

— Тўғри, мен буни шундай қабул қилганман. Бу халқнинг урф-одатини энди тушундим, — деганди.

Афсуски, бундай ҳолатлар ҳанузгача учраб туради.

Олий мактабда ҳам бизни Ленин, фирқа ишига содиқ бўлишга ўргатишди. Марксизм-ленинизм ғояларини чуқур ўрганишга, буржуа мафкурасига мурасасиз бўлишга даъват этишарди. Армия сафида хизмат қилаётган пайтимизда ҳам деярли ҳар куни ўн минутлик сиёсий ахборот тинглардик. Бу сийқаси чиққан «сиёсий ахборот»лардан бошларимиз тарс ёрилгудек бўларди. Лекин тинглашга мажбур эдик. «Замполитимиз» ҳар қадамда бизни империализм тиш тирноғи билан қуролланаётганидан огоҳ этарди. Бунинг учун биз ҳам жанговар, ҳам сиёсий жиҳатдан тайёр туришимиз керак эди.

Оилада меҳрибон ота, ишхонада ҳамкасбларга ғамхўр бўлиш, буржуа мафкурасига ишонмаслик тўғрисида ҳафтанинг душанба кунида сиёсий ахборот тинглаймиз.

Сталин халқ душманларини таг-томири билан йўқотинг, деди. Қисқа муддат ичида халқ «душманлари»ни йўқотдик. Ҳатто салла ўраган отамизни, махси кийган онамизни аяб ўтирмадик. Совет мафкураси мана шундай шафқатсиз мафкурага айланди. Матбуот, радио, ойнаи жаҳон ҳар куни тонгдан шомга қадар коммунистик ғояларни тарғиб қилишдан чарчамади.

Нурали Қобулнинг «Ёш ленинчи» рўзномасида босилган «Ватан ва ҳақиқат» номли мақоласида: «Биз, энг муҳими халқимизнинг чоризм, сталинизм, хрушчевчилик ва брежневизм букиб қўйган ғурурини тиклашимиз шарт ва зарур. Ана шундан кейингина саводхонлик, маданият ва маърифат юксалиши, халқ моддий ва маънавий тараққиётининг кенг ва ягона йўлига чиқиб олиши мумкин. Қолган барча тарғибот ва ташвиқотлар, қарору йиғилишлар кутилган натижани бермайди», деган фикрлар бор. Мен бу фикрни қўллаб-қувватлайман.

Қайта қуришнинг талаби эса ошкоралик, демократия курашидан иборат. Бу курашга юрагида ўти бор кишилар чиқади. Бизга нима бўлди ўзи? Нега бизнинг қўлларимиз озод бўлса ҳам, оёқларимиз турғунлик боғқоғида. Биз турғунликдан холос бўлишни хоҳлаймиз-у, оёқларимиздан кимдир тортиб турганга ўхшайди. Ким экан ўша қайта қуриш душмани?

Хуллас бир вақтлар Шарқ машъали, деб ҳисобланган жумҳуриятимиз ғоят қисқа муддат ичида танқид объектига айланди. Бунинг сабаби аён. Жумҳуриятда давлатни алдаш, қўшиб ёзишлар авж олди, ижтимоий адолат принциплари оёқ ости қилинди. Булар ҳақида жумҳурият матбуотидан кўра Иттифоқ журналистлари хўп ва кўп ёзмоқдалар.

«Пионерская правда» рўзномасидан тортиб, отахон «Правда»гача Ўзбекистонда илдиз отган порахўрликлар ҳақида, қўпол қилиб айтадиган бўлсак, очкўзлик билан ёзмоқда, ҳатто тергов хонасида сақланаётган маҳбусларни ҳам ўз ҳоли-жонига қўйишмаяпти. Тўғри, халқ ҳақиқатни билиши керак. Ошкораликнинг бош талаби ана шундай.

Биз марказий матбуот ходимларидан жумҳуриятда ишларни авж олдиришга кўмаклашадиган мақолаларни анча вақтдан бери кутмоқдамиз. Бироқ ҳалигача бундай мақолаларни ўқиганимиз йўқ. Афсуски, жумҳуриятда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кадрлар сиёсати, аҳолига тиббий, маиший, савдо, маданий хизматни кўрсатиш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, байналмилал тарбияни кучайтириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар борки, уларга марказий матбуотнинг аралашувига тўғри келади. Лекин марказий матбуот, шу жумладан марказий ойнаи жаҳон ва Бутуниттифоқ радиоси ҳалигача Ўзбекистонни «дўппослашдан» чарчаганлари йўқ. Тўғри, Ўзбекистонда авж олган салбий ҳодисалар КПСС XXVII съездида ва КПСС Марказий Қўмитасининг январь (1987 йил) Пленумида адолатли танқид қилинди. Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ва СССР халқ депутатлари I Съездида сўзга чиққан делегатлар ҳам Ўзбекистонда илдиз отган салбий иллатлар ҳақида оғиз кўпиртириб гапирдилар.

Жумҳуриятимизга илгарилари ҳам четдан кадрлар келган. Уларнинг кўплари софдил, халқпарвар кишилар эди.

— Коллективлаштириш йилларида ҳам Иттифоқнинг марказий музофотларидан жуда кўплаб фирқа ходимлари, сиёсий ташкилотчилар келди. Улар эндигина қаддини тиклаётган жумҳуриятга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатдилар, — дейди жумҳурият аҳамиятига молик шахсий пенсионер Э. Асабоев ўз суҳбатларидан бирида. У Нурота ноҳиясига ҳам кўплаб сиёсий ходимлар келганини гапириб берганди.

— «Қизилча» давлат хўжалигида Печенкин, Владимиров, Лунев каби сиёсий ходимлар билан ишлаганман, — деганди отахон. — Биз улардан кўп нарсаларни ўрганардик. Тилимизни, динимизни ҳурмат қилишарди. Шунинг учун улар халқ ўртасида тез эътибор топди. У вақтларда биз ҳозиргидек байналмилаллик ҳақида баландпарвоз нутқлар сўзламасдик, шиорлар ҳам кўтармасдик. Кўпроқ биргаликда ишлардик. Ҳозиргидек пана-панада тош отишлар каби иллатлар йўқ эди.

Отахон ҳақ гапни айтди. Қийин ва мураккаб ишлар олдида. Қайта қуриш ва ошкораликнинг одимлари оғир ва залворли.

Маҳмуд МАРДИЕВ,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Навоий шаҳри.

●

РЕДАКЦИЯДАН: мухбиримиз муҳим масалани кўтарган. Лекин, унда баҳсбоп ўринлар оз эмас. Азиз муштарийлар, шу хусусда фикр-мулоҳазаларингизни кутамиз.



Қизларга ҳамма нарса ярашади: янги кўйлак ҳам, рақсга тушиш ҳам, ҳаттоки жаҳл ҳам. Айниқса, улар кулганда янада гўзаллашиб кетишади. Чеҳрасидан кулгу ёғилиб турган бу қизларга бир нигоҳ ташланг-а, шунда уқасиз уларнинг нақадар бахтиёрлигини.

Юлдузхон билан Қурбоной бир жамоада меҳнат қилишади. Шу боисдан ҳам уларнинг ўй-ташвишлари, қувончлари бир-бирига ҳамоҳанг. Иккиси ҳам Боғот ноҳиясидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг пешқадам чорвадорларидан. Ўзларига топширилган вазифани ҳамиша аъло даражада уддалашади.

СУРАТДА: (чапдан) Қурбоной Гулметова ва Юлдузхон Аминовалар.

Ж. ҚОЗОҚОВ суратга олган.

ЙЎРГАКДА ЮҚҚАН «ДАРД»

Шуҳрат Деҳқонов

1

ҲАР ГАЛ УНИ учратганимда негадир хаёлимга шоир М. Юсуфнинг «Бригадир» деган шеъри келаверади. Ўша шеърда бригадир туни билан ўз сувчиларига ёрдамлашиб чиқиб, тонг палласида азбаройи қаттиқ ҳориганидан бир зум дунё ташвишларини унутиб, пинакка кетади. Шунинг устига шийпонга «Райком бово» ташриф буюриб, ғалати манзаранинг гувоҳи бўладилар. Ўша куниёқ бюро чақирилиб, бригадир партиядан ўчирилади ва ишдан ҳайдалади.

Солиназар ўқувчилик кезларида, буни тан олиб айтиш керак, ҳаркалай аълога ўқимаган. Уни техника, айниқса трактор кўпроқ қизиқтирарди. Тракторчи бўладиган одам яхши ўқиши шарт эмас, дерди ўзига ўзи.

Бир воқеа ҳали-ҳануз ёдидан кўтарилмайди. Ўша пайтлар олтинчидами, еттинчидами ўқишарди. Кеч кузак. Ноябрнинг изғиринли кунлари бўлишига қарамай, терим давом этарди. Чунки колхоз ҳали планини уддалай олмаган. Солиназарнинг ғайрат-шижоати ичига сиғмайди. Ўзиям ерга урса, кўкка сапчийдиган, ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб қўядиган йигит бўлиб келаётганди-да! Пахтани ўлчатиб бўлиб ҳамроҳларига шипшиди:

— Кетдик, анови тракторни минамиз!

Анҳор бўйида трактор тариллаб турар, эгаси афтидан юз-қўлларини юваётган эди. Тракторининг жойидан қўзғолганини сезиб, у ортига ўгирилди. Дарҳақиқат, уни илонизи йўл қолдириб кимдир телба-тескари миниб кетар, ортидан бир гала бола чанг-тўзон ичра қийқиришиб югуриб боришарди...

— Нимага бесўроқ миндинг, аҳмоқ! Бирон завур-повурга тиқиб қўйсанг жавобини ким беради? — тўхтатгач, тракторчи унга ўшқира кетди.

— Қўрқманг амаки, ҳайдашни биламан мен ҳам.

— Нимма?!! Вой тирранчаей! Олдин бурнингни артиб ол, кейин ҳайдайсан тракторни.

— Ахир у сизникимас, колхоззики-ю?

— Тилингни тий деяпман, сенга!

— Одамларнинг нарсаларини ташиб, пул ҳам ишлаб оласиз. Мени билмайди деб...

Солиназарнинг гапи оғзида қолди. Тўсатдан тушган тарсакидан унинг чап юзида зум ўтмай бармоқ излари қизариб кўринди. Лекин ҳеч нима бўлмагандек, юзларини шунчаки силашгандек тиржайиб турaверди...

Эртасига дарсдан қайтишаётганида Солиназар тракторчининг ўзидан икки ёш катта ўғлини хумоpидан чиққунича калтаклади...

— Э, ёшлик бебошлик дейишадику! Ёшлигида шўх бўлмаган бола боламиi? — у кунларни хотирларкан, мийиғида кулиб қўяди.

Мактабни тамомлагач, Солиназар жўралари сингари институт ёки техникумга ҳам ҳаракат қилмай, тўғри далага йўл олди. Отаси Рўзивой бува ҳам унинг бу қарорини маъқуллади:

— Тўғри қилибсан, ўғлим. Ҳаркалай ўзинг қизиқсанг, меҳнатинг унумли бўлади. Кейин афсус-надомат ҳам чекиб юрмайсан, — деди.

Ўшандан буён Солиназарнинг оромини далалар ўғирлаб олган. Тушида ҳам, ҳушидаям бийдай кенгликлар, гоҳо қордан-да оппоқ пахталар, гоҳида шудгорлангандан кейин лорсиллаб турган она замин нафаси, гоҳо иккиқулоқ бўлиб ер бағрини қийналиб ёриб чиқаётган жажжи ниҳолчалар, гоҳида асаларилар гулларини талашиб бол эмаётган ям-яшил ғўзалар...

Олтин ўтда тобланади, одам меҳнатда. Жумҳуриятимиз қишлоқларида шундай инсонлар, шундай ҳақиқий деҳқонлар борки, улар бутун умр бўйи курорт, томоша деган нарсаларни тушларида ҳам кўрмай ўтадилар. Кун оша қуёш кўзини очмай, тонг бўзармай туриб қадрдон далалари томон талпиниб, ошиқиб қоладилар. Улар учун тушлик вақти фуфайкани ерга ёзиб, бир оз ёнбошлаб мизғиб, дам олиш ҳар қандай курортда ҳордиқ чиқаришдан афзалроқ. Азалдан ўзбек деҳқони ўзининг бир тишлам ҳалол нонини ўша оқ, оппоқ пахта орқасидан топиб ейди. Жонкуяр бригадир ва ҳисобчиларнинг тунларини ҳам кундузларига улаган ана шу — пахта! Улар тузукроқ даромад олайин, бола-чақам қорни тўйиб овқат есин деб, йил ўн икки ой шудгордан бери келишмайди. Бундай фидойиларнинг шаънига сўз топиб айтишнинг ўзи ниҳоятда мушкул иш...

Солиназар туғилганида жуда нимжон чақалоқ экан. Дарахт шохи қимирласа ҳам, ўзини олдириб қўявераркан. Унга ота-онаси шамолниям раво кўрмай ўстиришган, ҳадеб шамоллайвермаслиги учун пахтага ўраб ўстиришган экан. Шунинг учун ҳар замонда онаси пахтанинг ичида катта бўлган болам, деб қўяди ярим ҳазил, ярим чин аралаш.

— Ўшанда менинг ҳеч нимани англамаслигимдан фойдаланиб, пахта ўзига ипсиз боғлаб олган бўлса керак. Бир кун мотоциклимни тариллатиб далаларимни кўздан кечириб келмасам, хотиржам ухлолмайман, — унинг кулимсиган, табассумга мойил нигоҳлари ерга қадалади. Шу кўйи нималарнидир хаёлига келтиришга, кўз олдида гавдалантиришга уриниб кетади...

Механизатор бўлиб ишлаб юрган кезларида Наманган қишлоқ хўжалиги техникумини сиртдан битириб олди. Шундан сўнггина ишлари олға силжий бошлади. Авваллари унда тажриба етарлича бўлса-да, бор -йўғи, ўн синф маълумотига эга эди холос. Раҳбарларнинг ундан ажойиб етакчи чиқишига кўзлари етар, аммо «ўқимаган»лиги кўнгилларининг қаеригадир соя ташлаб турарди. Шу сабаб бўлса керак, ўқишни битирганига бир йил тўлар-тўлмас унинг номзодини бригадирликка тавсия қилишди...

1984 йилнинг тупук ерга тушган заҳоти музлайдиган, изиллама, аёзли қиши. С. Обидов ҳали планини бирон марта бўлса-да, бажаролмаган энг қолоқ бригадага бошлиқ этиб тайинланди. Ўзининг қишлоғидан уч-тўрт чақирим олислигига қарамай, кўнишга кўнди-ю, сўнг иккиланиб қолди. Миясида бир ўй тўзиган ари инидек ғувиллаб айланарди: эплай олармиканман? Чўл зонаси, тошлоқ, қаттиқ, унумсиз ерлар. Ҳанузгача ҳеч қачон ёлчитиб ҳосил бермаган. Бунинг устига... бригада аъзоларини янгидан йиғиш керак, эскилари бу ердан қўлини ювиб, қўлтиғига уриб кетган. Бироқ барибир энди кеч, розилик бериб қўйдими, демак... Халқнинг яхши бир ўгити бор: арслон изидан қайтмайди, йигит сўзидан.

Хулласи калом, у баҳорни кутиб ўтирмай, ишни бошлаб юборди. Хайриятки, қишлоқдошлари унинг юзини ерга қаратишмади. Узоқ бўлсада унга ишонганларидан бирин-сирин бригадага ёзила бошладилар. Солиназар аъзоларини бир ерга тўплаб қараса, ҳаммалари ғайратлари ичига сиғмайдиган, юрагида ўти бор йигит-қизлар экан. Шунда миясига чақмоқдай ярқ этиб бир фикр келди: комсомол ёшлар бригадаси бўлса-чи? Бу фикрини колхоз правлениеси ходимлари ҳам маъқуллашди.

— Кўз очиб юмгунча шуларга ҳам олти йил бўлибди-я! — дейди у нигоҳларини ердан узиб, пиёласида совиб қолган чойини симираркан.

— Сиз одамларни қишлоқдаги бригададан ажратиб олганмисиз? — сўрайман ундан.

— Бўлмасам-чи. Бошқа қаёқданам олардим? — суҳбатни давом эттиради у. — Ўзим ҳам олдин қишлоғимдаги бригадада ишлардим. Бригадир акам мендан қаттиқ ранжигандилар-да, ўшанда. Одамларини «йўлдан урганлигим» учун.

— Нима сиз...

— Ҳа, ҳа «йўлдан урганман». Ишонмаяпсанми? Нимаям қилолардим, бўш одам йўқ бўлгач. Лекин ҳозиргача ҳайрон қоламан. Уларни қандай қилиб ортимдан эргаштиролдим, қанақа қилиб ўзимга ишонтиролдим. Ахир тайёр иш жойини ташлаб бегона, бунинг устига ҳосил етиштириш машаққат бўлган ориқ ерларга кимнинг ҳам кетгиси келарди дейсан? Бу дегани иссиқ ўринни совутиш билан баробарда.

2

Дастлабки йили ундан нафақат бригадир, балки бошқа кўпчилик кишилар ҳам норози бўлишди.

— Бригадир бўламан деб сочи оқараётган катта одамлар турганда ким қўйибди ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучукларини ҳам тотиб кўришга улгурмаган ёш йигитга?

— Кўрамиз ҳали эплоладими, йўқми? Мана мени айтди дерсизлар, янаги йилиёқ этагини йиғиштириб қочиб қолади, курашда енгилган даканг хўроздек.

Оғизнинг қулфи бормидики, уни жиловлаб бўлса? Ким нима деса деявермайдими? Солиназар гоҳ орқаваротдан, гоҳ ўзига эшиттириб айтилган бундай узуқ-юлуқ, олди-қочдиларга парво қилмади. Бу таг-дор қочириқларнинг замирида ўзига нисбатан ҳам ҳавас, ҳам адоват яширинганлигини ич-ичидан ҳис қилди. Бу ҳиссиёт эса, уни янада яхшироқ ҳаракат қилишига, қаттиқроқ ишлашига туртки бўлди.

Ўша йили баҳор серташвиш келди. Ўзи деҳқон учун қайси баҳор тинч, ҳаловатли, оромбахш кечган дейсиз? Лекин ҳаркалай буниси бошқаларига қараганда янада ташвишлироқ келди. Дала заҳматкашларининг қўллари қўлларига тегмайдиган палла, бош қашишгаям вақт йўқ. Айниқса янги тузилган бригадага анча оғир, ўрганиб олгунча иш мушкул кечади. Бегона ер билан тиллашиб, ҳавосига кўниккунча ҳаммаси маромида, бир меъёрда кетиб, олға силжиш бўлавермайди. Иш жараёни бирмунча қийин кечади. Солиназарнинг ихтиёрида 80 гектар ер бор эди. Бир қанча тайёргарликлардан, елиб югуришлардан сўнг ерга умид ва ишонч билан чигит қадалди. Лекин уни ундириб олгунча колхозчиларнинг она сути оғзидан келди. Солиназарни айтмайсизми? Туну кун ғўзасини ўйлайвериб қисқа вақт ичида сочларига қиров инди, юзига чизиқ тушди, кўзлари ичига тортиб, чўпдек озиб кетди. Нима бўлгандаям ўзини кўрсатиб, беҳудага валақлаган кимсаларнинг тилларини тишлатиб қўйиши керак. Қолаверса биринчи йили планни албатта бажариши лозим. Колхозчилар моянага ёлчисалар, у ёғи силлиқ кўчади. Ҳамма ҳаммаси мана шу биринчиси билан чамбарчас боғлиқ.

Ташвишларга тўла келган баҳор ортда қолиб, энди қишлоқларда ўзининг жазирама иссиғи билан «ёндираман» дея ёз фасли кеза бошлади. Куннинг тиғи одамни лоҳас қилади. Далада ишлаётган кишиларнинг юз-кўзлари аралаш бўйинларидан шовиллаб маржон мисол реза-реза тер қуйилади. Қилинадиган меҳнат олдингидан икки ҳисса ортган. Чанқаган ерларни сувга қондириш, чопиқ, чеканка, ўқариқ олиш...

Ҳосилнинг чўғи ҳозирча кўзга ташланганi йўқ. Шунгами, ё бошқа сабабданми, аъзоларнинг руҳиятида ишончсизлик, лоқайдлик, ҳафсаласизлик аломатлари зоҳир. Уларни кўриб, ҳатто Солиназарнинг ўзи ҳам эсанкираб қолаёзди. Ахир бошданоқ унга билдирилган ишончни оқлолмаса у ёғи нима бўлади? Орқаваротдан уни ғийбат қилиб юрганларнинг тиллари яна бир қарич узаймаслигига ким кафолат бера олади?

— Қўлидан келмас экан, нима қиларди чираниб? — дейишмайдими, ўзидан ёши улуғ кишилар.

Бу йўлда унга бирдан бир тўғри йўлни кўрсата оладиган яқин маслаҳатчиси — отаси Рўзивой бува эди. У ҳам ғўза илмидан унча мунча хабардор, авлодлари деҳқон ўтган. Дадасини мотоциклга миндириб, шийпонга олиб келди. Бирма бир ғўзалар ўсаётган карталарни кезиб, кўздан кечириб чиқишди.

— Эҳ ёшлар-а, ёшлар, — куйинди сўнгра Рўзивой бува. — Қақраган ерлар қолиб сувга муҳтож бўлмаган жойларни суғориб ётибсизлар. Бу қанақаси бўлди? Сал бўлмаса ишнинг пачавасини чиқариб қўяёзибсиз-у, ўғлим. Ким айтади сизни деҳқон боласи деб?

Солиназарга отасининг мана шу охирги, «сиз»лаб гапирган гапи кифоя эди. Шундан кейин тунлари ўзи ҳам мундо-о-оқ оёқни узатиб ором ололмади, сувчиларга ҳам ҳаловат бермади. Отасининг йўл йўриғи билан колхозчиларнинг кайфиятларини кўтарди. Иш унуми фақат ҳаракатга эмас, кўтаринки руҳга, аъло кайфиятга ҳам боғлиқ эканини ҳис қила олгани унинг катта ютуғи бўлди. Тез орада ғўзаларнинг ўсиш даражасини бошқа бригадаларникига етказиб олди.

Ниҳоят, жўжани санайдиган кунлар ҳам етиб келди. Йил бўйи чекилган мислсиз азоб-уқубатлар-у машаққатлар эвазига пешона тери билан етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш бошланди. Қиpқига чидаган ёшлар, бирига ҳам бардош беришди. Ўша, биринчи йилданоқ Солиназарнинг дўстлари суюниб, ғанимлари куюниб қолди. Элу юрт олдида юзини ёруғ қилиб олди. 1984 йили тарихда биринчи марта Наманган ноҳиясига қарашли Ленин номидаги колхознинг 9 (ҳозирда 8-) — бригадаси пахта тайёрлаш йиллик планини салкам 114 фоиз қилиб бажарди. С. Обидов яна кўплаб кишиларнинг ишончини қозонди. Бригада сафига янги-янги аъзолар келиб қўшилишди...

Мулла-Кудингда унинг ўзига яраша обрўси бор. Қишлоқ аҳлининг етти яшаридан етмиш ёшигача ҳамма уни яхши билади.

— Барака топсин. Ўзи ёш бўлсаям ишнинг кўзини биладиган йигит чиқди. Асли ҳақиқий деҳқон фарзандида, — дейишди оқсоқоллар.

Анчадан бери у ҳақда ёзишга жазм қилиб юрардим-у, сира бирон ерда қўним топганини кўрмасдим. Ўтириб олиб бемалол суҳбатлашиб олишга ҳеч қулай фурсат топилмайди. Ниҳоят, пахта хирмонининг таги кўриниб қолганда, ўтган йилнинг ноябрь ойи бошларида уни учратарман деган ўй билан дала шийпонига отландим.

— Ҳозиргина қишлоққа чиқиб кетишувди, — деди ҳайрон бўлганлигини яширмай ҳисобчи. — Ўтириб туринг, келиб қолишади.

Эринмай ортимга қайтдим. «Халифа тўпи» маҳалласида аъзоларининг уйларига кириб, бирма бир далага айтиб юрган экан.

— Сизга нима зарур, ўзингизни қийнаб? Планингиз юздан ошган бўлса...

— Қизиқмисан? Далада ҳеч ким йўғ-у....

— Ҳа, демак қўрқар экансиз-да?

— Нимадан? — таажжубланди у.

— Раҳбарларнинг келиб қолишидан.

— Қўйсанг-чи. Раҳбарларинг менга нима дерди, планни аллақачон дўндириб қўйган бўлсам.

— Унда...

— Фикрингни тушундим. Нима учун эшикма эшик юрибсиз, демоқчисан-да. Планни уддаладим, тамом, деб боқибеғам бўлиш керакми? Даладаги ҳосилни кўрсанг эди, сен. Уларга нафақат меҳнатим, балки озми кўпми меҳрим, муҳаббатим, юрак қўрим ҳам сингган. Ичим ачийди, ўшандоқ қолиб кетса. Бир қур яхшилаб тозалаб олишимиз керак, кейин ғўзапоя тарқатамиз.

— Одамлар хоҳлашмаса, мажбурлаш шартмикин?

— Нимага хоҳлашмасакан? Истамаган одам умуман чиқмасин эди. Биринчи, иккинчи теримда далада одам қайнайди. Ҳар йилиям шу аҳвол: Охирига келганда кўпчилик ининига уриб кетади. Мен ҳам қайсарман, уйма-уй айтиб юришдан ҳечам эринмайман. Шунақа, ука, сенам учтўрт йил ишласанг билар эдинг, нималигини. Менга бундай ақл ўргати-и-иб ўтирмасдинг.

Оғзимга талқон солгандек жим бўлиб қолдим.

— Менда ишинг бормиди? — сўради у сўнгра. Мақсадимни англагач, чиқ дея машинанинг кабинасига ишора қилди. Кабинага уч киши сиқилишиб жойлашдик. Қоқ тушлик пайти шийпонга етиб бордик.

— Кимё опа, бизга учта овқат келтириб беринг, — мурожаат қилди у ошпаз аёлга.

— Йўқ, раҳмат, мен ҳозиргина овқатланиб келгандим, — дея эътироз билдирдим.

— Унақа дема, хафа бўламиз-а. Бизнинг дала неъматиданам тотиб кўрчи, ёқармикан? Лекин шаҳарникига етмаса айбга буюрмайсан.

— Ахир мен ҳам сизга ўхшаган қишлоқ боласиман-ку, Солиназар ака!

Хафа бўлганлигимни сезиб, у елкамга қўлини ташлади-да, кулиб юборди:

— Оббо укам-ей. Жаҳлинг бурнингни учида тураркану а? Биласан-ку, ҳазил мутойибани жонимдан ортиқ кўраман. Бир вақтлар бу ерларда

3

пахта териб, худди шундай овқатларни еб, чанқаганда ариқдаги бўтана сувларни ичиб юрганлигингни билмасам экан, бошқа гап.

Ошпаз аёл олдимизга учта чети учган сопол косада овқат келтириб қўйиб кетди.

— Қани овқатга қара-чи, — мулозамат қилди у сўнгра. Ўша, ўзим билган макарон. Лекин менга жуда мазали туюлди, чунки бу таомни кўриб, болалик даврларим хотиримда жонланганди...

— Мана шундай қилиб яшаяпмизда, — менга қараб ҳорғин жилмайди бригадир.

Овқат устида суҳбат мавзуи ўқувчилар ҳақида кетди. Бригада янги тузилган кезлар бизнинг мактабимиз уни оталиққа олганди.

— Ҳозир ҳам ўқувчилар далага чиқишяптими? — сўрадим унга тақлид қилиб қотган нонни овқатимга ботирарканман.

— Албаттада. Ўнта ниҳоятда ишчан, меҳнатсевар ёшларимиз бор. 19-мактабнинг қалби олов комсомоллари.

— Нима, сизнинг янги қонундан хабарингиз йўқ шекилли?

— Э, эскириб қолди-ю, қонун ҳам. Лекин барибир болалар пахтага чиқаверишади.

— Қонунни бузяпсизлар эканда?

— Э, намунча қонунга ёпишиб олмасанг? Улар дарсларини тўлиқ ўтишади, фақат бўш вақтларида, ёзги каникул даврида ёрдамлашишяпти холос.

Ўзбекнинг боласи суяги меҳнатда қотади, укам. Ҳарна ўзларига ҳам фойда, унча мунча ишлаб олишади. Қонун чиқарган билан бир пул-ку! Пудратчи оилаларнинг фарзандлари уйда ўтиради дейсанми? Керак бўлса дарсдан олиб қолиб ишлатишади.

Таъбир жоиз бўлса, жўнгина қилиб С. Обидовни қайсар бригадир дейиш мумкин. Ҳа, у бошқаларнинг сўзига лаққа тушиб, ким юр деса ортидан эргашиб кетаверадиганлар тоифасидан эмас. У ўз билганидан қолмайдиган, бир сўзли, қатъиятли одам. Қиламан деган ишини албатта қилади, оқни оқ, қорани қора кўради. Уч-тўрт йилдан бери пахтани фақат қўлда тердиради.

— Нега машинада термайсизлар? — сўрадим ундан овқатланиб бўлгач, чой ича туриб.

— Биринчидан, ишчи кучи бизда керагидан ортиқ. Қолаверса, машина шунақа чала терадики, тер тўкиб етиштирган ҳосилнингнинг ер билан битта бўлганини кўриб, юрагинг увишади. Сифати ҳам ниҳоятда пасайиб кетади. Шунинг учун машинада термаяпмиз.

Эсимда, ўшанда тўртинчи ё бешинчи синфда ўқирдик. Биз ҳам «она Ватанимизнинг олти миллион тонналик улкан хирмонига» ҳиссамизни қўшиш учун пахта теримига чиқардик. Бир ой, ёки ундан ҳам кўпроқ мактаблар тақа-тақ ёпиларди. Хирмонда эртаю кеч пахта териш машинаси ишлаб турар, икки одам унинг шпинделларига пахта солиш билан овора эди. У пайтлар ёш эканмиз, нимага бунақа қилишади, сира тушунолмас, ўйлаб ўйларимнинг тубига етолмасдим. Улғайиб, бунинг сабабини англадим: қўлда терилган пахталарни машинада «қайта ишлаб», «зангори кема»лар бункеридан тўкилди деб қабул пунктларига топширилар экан. Хўш, бундан ким нима фойда кўрди? Аксинча, турган битгани зарар бўлмадими, бу ишнинг? Дефолиацияга кетган сарф-харажатлар у ёқда турсин, одамлар олтинга топилмас соғлиқларини йўқотдилар-ку, ахир!

Солиназар акага шу воқеани сўзлаб бердим.

— Сизларда ҳам... — дея энди оғиз жуфтлаган эдим, чўрт кесди:

— У даврлар бошқа эди, ука. Фалон тоннани машина билан терасан сан деб юқоридан буйруқ келса бригадир нимаям қилоларди? Мажбурда, буйруқни бажаришга. Йўқса ишдан кетади. Тўғри, ҳозирам топилади бунақалар. Лекин айтдим-ку сенга, мажлисларда икки қўлимни кўксимга қўйиб хўп, хўп деб турганим билан бу ёқда ўз билганимдан қолмайман. Олса бригадирлигини олади-да, мендан.

— Мана шундай муваффақиятларга эришишингизнинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? — гапни бошқа ёққа буриб юбордим.

— Сабабими? Нима десамикин? Нимагаки эришган бўлсам мана шу ҳамқишлоқларим туфайли деб биламан. Лекин жуда ошириб юбординг, ҳали ҳеч нима қилолганим йўқ, ўйлашимча.

— Ахир ҳар йили планни юздан оширяпсиз экан-у, буям ҳеч нима қилмаганингизми? Ҳамма хурсанд сиздан.

— Сенингча далада танҳо ўзим ишлайманми?

— Унақамас-у, лекин барибир...

— Бригада аъзоларининг ҳаммалари бири биридан яхши одамлар. Ҳалол меҳнат қилиб кун кўришади. Мана масалан Аҳмаджон Холматов. Мен билан бирга келганди, ишга. Унда ҳашорат текширувчи эди, ҳозир меҳнатсеварлиги туфайли ҳисобчилик қилмоқда. Бунақалар озмунча эмас. Рўзивой ака Мамажонов борлар, бош сувчимиз. Ичимизда энг ёши улуғи. Ҳаммамиз Рўзивой акани ҳурмат қиламиз, у киши ҳам баъзи пайтлар йўлимиздан чалғийдиган бўлсак паст-баланд кўчалардан олиб чиқиб, тўғри изга солиб қўядилар. Сувчилардан Исроил Зокирхонов, Олимжон Темиров, механизаторлар Мирзаабдулла Юсупов, Олимжон Каримов, ишчилардан Санобар Йўлдошева, Ибодат Обидовалар бригада тузилгандан то ҳозирги кунгача фидойилик кўрсатиб меҳнат қилиб келмоқдалар. Бригаданинг ҳар бир аъзосини ҳурмат қиламан, худога шукур, улардан ўзим ҳам ҳурмат кўраман. Нима қилгандаям аҳилликда гап кўп-да...

— Рўзнома-журналларда кўзингиз тушаётгандир. Ҳанузгача колхозчиларнинг маоши 50-60 сўмдан ошмаётган жойлар ҳам бор экан. Бу масала бўйича сизларда аҳвол қандай?

— Бе-е, бунақа бўлганда аллақачон етакчиликдан бўшардим. Кимга ёқади ҳар хил таъна маломатлар эшитиш? Бизнинг одамлар ойликдан ҳечам нолишмаган. Мана ҳозир ҳам аёлларники 130-140, эркакларники 180-200 сўмданга тўғри келяпти. Икки йил бўлди, бригада пудрати асосида ишлаётганимизга. Даромадимиз анча кўтарилиб қолди.

Суҳбатлашиб ўтирар эканмиз, мени бир нарса ғоят таажжублантирарди. Солиназар акага на ноҳия қўмитаси томонидан, на колхоз правлениесидан арзирли бирон бир мукофот берилмапти. Буни ўзидан сўрасам, қўл силтади.

— Қизиқмайман ундай икир-чикирларга.

Уни икки маротаба, биринчисида ноҳия конференциясига, иккинчи марта ноҳия касаба уюшмасига делегат қилиб сайлашди.

— Мен булардан ўзимга яраша ҳеч бир сабоқ ололмадим. Бориб келиб бекордан бекорга куним ўтди. Эссиз, қанча қимматли вақтимни йўқотдим...

Солиназар Обидовнинг бири биридан ширин беш фарзанди бор. Уч ўғил: Абдулло, Сайдулло, Зоҳиджон ва икки қиз: Зайнабхон, Латифа. Рафиқаси Санобархон ҳам колхозчи. Улар ўртамиёна, ҳамма қатори турмуш кечиришади: бировдан ортиқ ҳам, кам жойлари ҳам йўқ. Қачон қараманг, уни бир хил кийимда кўрасиз: эгнида қора фуфайка, арзон шим, оёғида этик. Яна бир нарса,

4

Насриддин Афанди ҳеч қачон эшагидан ажралмагани каби, «Минск» маркали қизил мотоцикли унинг доимий ҳамроҳи. Одамлар бунга кўникиб қолишган...

Фарзандлари мактабда аъло ўқишяпти. Уларнинг бирортасиниям ўзининг йўлидан боришини истамайди. Ҳаммаларини ўқитиб, олий маълумотли қилишга аҳд қилиб қўйган.

...Тарих ғилдираги чархпалак мисол айланаверади. Ҳаёт деб аталмиш улкан уммон эса ҳеч қачон бир ерда тўхтаб қолмас экан. Чирқираб ёруғ дунёга янги меҳмонлар келган маҳал ёшини яшаб, ошини ошаб бўлганлар узлатга чекинади, кечаги жажжи ниҳолчалар ўрнида бугун ўсиб униб, тарвақайлаб ҳар томонга шох ташлаган дарахтларни кўрамиз. Фасллар айланиб келаверади, ер юзига дам қуёш, дам ой чиқиб, куну тунлар бир-бирини қувалашиб ўтаверади, ўтаверади... Ҳаётни чегараси кўринмас улкан денгизга ўхшатгим келади. Унда турли хил одамлар яшайди. Биров оқимга қарши сузиб, курашиб яшаса, биров оқим бўйлаб сузиб лоқайд ҳаёт кечиради. Солиназар Обидовни биринчи тоифа инсонлар сафига киргизиш мумкин. Ҳа, у доим курашиб яшайди. Уни кучли тўлқинлар бир неча бор четга улоқтириб ташламоқчи бўлди. Лекин гирдобларга қарши мардонавор сузиб бораверди ва ҳамон сузиб бормоқда...

Ёш бўлишига қарамай, у оғир, босиқ, вазмин инсон. Полвонларники каби жуссасига олам-олам ғам-ташвишларни, севинч ва қувончларни сиғдира олган одам. Ҳар бир гапини аввал ўйлаб, минг хил мулоҳаза қилиб, тарозига солиб сўйлайди. Бўлар бўлмасга қони қайнаб кетавермайди, лекин жиғига текканларни аямайди ҳам. Ҳали далам деб югурса, ҳали болам деб югуриб юради.

— Сизга тинчлик бермаётган, кечалари бехавотир ухлашга қўймаётган муаммолар борми? — сўрадим ундан суҳбат охирида.

— Боядан бери кутаётган саволимни бердинг, — жонланиб қолди у. — Ташвишларим беҳисоб. Очиғи ука, сендан бироз ранжидим. Бу бир далада юрган одам бўлса деб пахтадан бошқасини сўрамадинг, мендан. Сиз мухбирларнинг барингиз шунақасизлар, ўзи. Йўқ, мен ҳам «Ёш ленинчи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг ҳар бир сонини орзиқиб кутаман. Унда чоп этилаётган материалларни қолдирмай ўқийман. Баъзан яхши мақолаларни тушликда аъзоларга ҳам ўқиб бераман. Шоирлардан Муҳаммад Юсуф, Эркин Воҳидов, Усмон Азимов, Сирожиддин Саидов, Умида Абдуазимоваларга ниҳоятда ихлосим баланд. Айниқса М. Юсуфнинг шеърлари... Худди мен учун, менинг тилимдан ёзилгандек. Бунинг устига содда, равон, ҳамма тушунадиган қилиб, қишлоқча ёзади. Қани энди шу шоирлардан бирортаси қишлоғимизга қадам ранжида қилса! Колхозчилар билан учрашиб, оёғининг чигалини ёзиб кетарди...

Кечирасан, саволинг бошқа ёқда қолиб, ўзимнинг дардларимни сўзлаб кетибман. Мени ўйлантираётган, ташвишга солаётган муаммоларга келсак... Фикримча, биринчи навбатда ўзбекнинг мавқеини кўтариш керак. Ўша ҳар хил минбарлардан туриб турган битгани туҳмат, бўҳтонга тўла ваъз ўқиётганларга кўрсатиб қўйиш керак, ким боқиманда эканлигини! Айбга буюрмайсан, қўпол гапириб юбордим шекилли... Қишлоқларингга газ тушади деб бир нарсаларни ўлчаб кетишганига ҳам мана беш-олти йил бўляпти. Ҳали ҳеч нима йўқ. Одамга алам қиларкан, биқинингдан газ қувури ўтса-ю, сен таппи ёқиб ўтирсанг. Э, қўй бу ҳақда бошқа гапирмайин, ҳозир қулфи дилим очилиб кетса, тўхтатолмай қоласан. Майли, ўзбек халқи тоқат учун яралган, бош омон бўлса, дўппи топилиб қолар...

Ерлар йилдан йилга ориқлаб кетяпти. Сабаби кимёвий ўғитларни ҳаддан зиёд кўп ташлаяпмиз. Илож қанча, маҳаллий ўғитни етказиб бўлмаса. Ер толиқиб қолди, пахта экилавериб...

Энг муҳими, фарзандларимни баркамол инсонлар қилиб етиштириш. Майли улар олим бўлмаса бўлмасин, лекин биринчи ўринда одам бўлсин. Ҳали эгилмаган бошимни эгиб қўймасин дейман...

Суҳбатни тугатиб, у билан хайрлашар эканман, негадир сизни кўрсам ўша, севган шоирингизнинг «Бригадир» деган шеъри ёдимга тушаверади, дедим.

— Сен уни ёддан биласанми? — кўзлари чақнаб кетди бригадирнинг.

Тасдиқ ишорасини қилганимдан сўнг:

— Илтимос, бир марта ўқиб бергин, — деди. Унинг илтимосини ерда қолдиролмадим:

Туни билан сувчиларга қарашди у,
Энгашиб ҳар ғўза билан сўрашди у.
Юлдузлар ҳам ёниб бўлган тонгда эса,

Елкасидан ерга михлаб қўйди уйқу...

О, толиққан жонга дармон қир этаги

— Кесак — болиш, кўрпа бўлди кир этаги.

Ариқ унга алла айтиб чулдиради
Ва бир зумда ухлаб қолди... ҳа ўзбегим.

Ўзбегимнинг уйқуси ҳам ўзидек жўн,

Ботмайди ҳеч — тупроқ унга пахталик тўн.
Дўпписини кўкрагига босиб олган,

Ҳумо қуши, тонгда келиб бошимга қўн.

Келди тонгда Ҳумо қуши — семиз райком.
Қарасаки қотиб ухлаб ётар акам.

Мажлис, мажлис, мажлислар ҳеч бўлмас тамом,

Нотиқларга тўлиб кетган заллар — ҳаммом.

Куппа кундуз ухлаб ётар, бу қандай гап!...

Бири қўйиб, бири олиб чалишар жом.

Сўнг мажлисларни шийпонларга суришар,
Бригадирни партиядан ўчиришар.

Ўттиз йиллик ғанимлар шод қийқиришар,

Ўттиз йиллик дўстлар эснаб ўтиришар...
У кечаси сувчиларга қарашганди,

Лойлар кечиб, уватга нур тарашганди.

Сутга чайиб олингандек оқ, оппоқ тонг отмоқда. Узоқ-яқиндан хўрозлар басма бас қичқиришни бошлашди. Ҳар куни шу вақтда Солиназар кўзини очади. Ширин хаёллар оғушида неларнидир ўйлаган кўйи бир пас ётади. Ана, унинг келажаги, беш зурриёти қаторлашиб бир он дунё ғам ташвишларидан фориғ, пишиллаб ухлаб ётишибди. Хотини аллақачон ўрнидан туриб, рўзғор юмушларини бажаришга киришибди. Аста ўрнидан турди. Кенжатойининг усти очилиб қолган экан, ёпиб қўйди. Юз-қўлини ювгач, девор тагида турган мотоциклини олиб, кўчага чиқди. Айтмоқчи, янги йилда колхоздан унга «Нива» енгил машинасини мукофот тариқасида беришди. Шов-шувларга қараганда «ГАЗ—24» берилиши керак экан. Бироқ Солиназарнинг бели бақувват бўлмагани учунми, ё ишончлироқ суянчиғи йўқлигигами... Ҳар қалай «Волга» унга тегмади. Майли, нима ҳам қилоларди, камбағалга кабоб ҳам овқат экан...

Барибир, «Нива»дан кўра мотоцикл дуруст чиқди. Уни тариллатиб, қадрдон даласи томон отланди. Ҳамма ёқни оппоқ қор қоплабди. Оқ тонг. Атроф нақадар гўзал, қаёққа қарама, оқлик... Она замин ҳам оқ кўрпа остида ором олиб, келгуси йил учун куч-қувват тўплаяпти. Далаларни бир маротаба айланиб келмаса, унинг кўнгли тинчимайди.

СОЛИНАЗАРНИНГ ОРОМИНИ ДАЛАЛАР ЎҒИРЛАБ ОЛГАН...

Водий чечаклари

Азалдан шоиру санъаткорлар диёри бўлган Фарғонада ёш талантларга эътибор қандай? Эртанги адабиётимизнинг, санъатимизнинг меросхўрлари борми бу юртда? Бўлса, улар ҳозир нималар билан машғул? Улар қалби қандай орзу-истаклар, умид, қувонч ва ташвишлар билан ёнмоқда?

Аввало шуни айтиш керакки, вилоятимиз ёшлари янги-янги ташаббуслар билан чиқишмоқда. Ўтган йилнинг март ойида бўлиб ўтган вилоят ижодкор ёшлар слёти қатнашчиларининг таклифига асосан Фарғона шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган Ҳамза номидаги ижодкор ёшлар маркази шулардан биридир. Ижодкор ёшлар марказининг фаолият доираси жуда кенг ва ранг-барангдир. Унинг асосий мақсади вилоятимиздаги барча адабиётга, санъатга ихлосманд йигит-қизларни бирлаштириш, уларнинг ижод қилишлари, изланишлари учун ҳам маънавий, ҳам амалий ва моддий ёрдам бериш, ўз маҳоратларини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, янги қобилиятларни кашф қилиш, халқимизнинг, жумладан, Фарғона водийсининг маданий меросини, тарихини, анъаналарини чуқур ўрганишдан иборат. Шунингдек, ижодкор зиёлилар билан халқимиз ўртасидаги ҳаётий яқинликни янада мустаҳкамлаш, улар ижодини кенг ташвиқот қилиш ва энг муҳими ёш ижодкорларнинг гражданлик, ватанпарварлик, жонкуярлик, халқпарварлик, фидойилик жиҳатларини камол топтириш ҳам марказ кўзда тутган мақсадлардандир.

Қуйида фарғоналик ижодкорлар машқларидан айрим намуналар ўқийсиз.

А. РАҲИМОВ,
Ҳамза номидаги Фарғона вилояти Ижодкор ёшлар маркази раиси.

Ўн етти минут

Маълумотларга кўра ҳозирги ишловчи аёлнинг фарзандига ажратган вақти бир суткада ўн етти минут экан.

Болам, сенга ўн етти минут,
Фақат, фақат ва яна фақат,
ўн етти минут!
Бошингни тошга ур, жовдира, йиғла,
Ортимдан эргашиб этагимдан тут,
Ҳар оқшом умид қил, эртакларим кут,
Бор савол, ҳайратинг ичгинангга ют,
Эҳтиёт қил бўйнингда калит,
болам, сенга ўн етти минут.
Паранжи ташлаган, ой юзлар очиқ,
Оҳ, лекин кўнгилнинг ҳар йўли ёпиқ,
Сен тушун, жон болам, дилхун онангни,
Ҳуқуқим тенг, бироқ юмушим ортиқ.
Отанг ишдан қайтар тажанг, безабон,
Совғасин унутган меҳмондай мулзам.
Эртакчи бувилар ҳорғин, дилафгор,
Тириклик куйида чўпчакка не ғам!!
Сен ҳали билмайсан, юҳолар кўпдир,
Одамхўр мажлислар домига тортар.
Ҳозирги жангларда қилич, ўқ йўқдир,
Ёғийлар гап билан панадан отар.
Сен ҳали билмайсан, бу дунё бозор,
Хусумат бозори, хиёнат базми.
Гўдаклар бир томон, оталар бир ён,
Шўрлик онанг эса давлатнинг хасми.
Сабр қил, умид қил, қайта қурармиз,
Қайтиб-қайтиб ахир борарим сенсан.
Бу далли дунёнинг ғавғоларида
Йўқотиб-йўқотиб топганим сенсан!
Болам, сенга ўн етти минут.
Фақат, фақат ва яна фақат
ўн етти минут!

Фарида БЎТАЕВА.

Жавоб

«Нега шеърларингиз ҳеч қаерда чиқмайди?»
[Танишимнинг саволи].

Қасида ёзмадим, шеърлар ёзмадим
Каттани улуғлаб, қорнимни тўқлаб.
Қасида ёзмадим, шеърлар ёзмадим
Қуллуқ ҳам қилмадим мансабни йўқлаб.
Қайириб ташладим тилимдагисин
Дилимдан келгани лахта қон эди,
Қип-қизил чўғ эди юракдаги сўз,
Ийманиб турган бу пок имон эди.
Юзага чиқмиш ул хас, кўпиклари.
Уммонга боққил сен, шеърпараст укам!
Асл жавоҳирлар денгиз тубида,
Сузмайди юзада кўпик сингари.
Сўзларим сирлими, эй содда укам!
Газеталарга силлиқ сўзлар керакдир.
Менинг сўзларимни бошга урсинми,
Қизариб турсинми эрта муҳаррир!
Қабрлар устига пахта экилса,
Чингизларни енгган халқ-да эгилса.
Ғарбнинг жазаваси Шарқдан-да келса,
Ширин сўзни қайдан топайин, укам!
Қимтиниб яшаса ўз она тилим,
Дилим битта бўлса, иккита тилим,
Имломизга қайтиш шунчалар ўлим,
Мен қандай ширин лафз сўзлайин, укам!
Ювиб беролмадим қондан сўзимни,
Пуфлаб беролмадим чўғимни, укам!
Юмиб туролмадим бир дам кўзимни,
Яшириб юрмадим туғимни, укам!

Аъзам ИСМОИЛ.

Машраб нидоси

Қатағон, тинглагил охирги сўзим,
Тарқалсин сипоҳинг ўқталмайин ўқ.
Сиртмоққа бошимни тутгайман ўзим,
Боборaҳим — дордан қочмагай йўқ, йўқ.
Қизиқ, ҳақиқатни куйлармидим мен,
Агар қўрқар бўлсам сенинг қаҳрингдан!
Тавба деб, тиз чўксам пойинга энди
Кечгум бу умримнинг етти баҳридан.
Зоҳиран зўрсан-у, ботинан мажруҳ,
Ҳофизанг идишин тешикдир таги.
Покиза жандамни айлагай макруҳ,
Зарбоф чопонингни тегса этаги.
Гўдаклар қонидан қўлингда хино,
Ашкларин шаробдай симириб ичдинг.
Беш кунлик тахтингга қўйиб сен бино,
Инсоф-у, имондан батамом кечдинг.
Ҳукмингни ўқигил, ғанимлар кулсин,
Машрабни англамоқ — сизга муаммо.
Унутма Қатағон, ёдингда бўлсин,
Тантананг узоққа бормагай аммо.
Ҳақиқат қуёши порлар нурафшон,
Одамлар адолат дўлларин урур.
Шоир — шоҳга таслим бўлмайди, ишон,
Байтларим тахтингдан юқори турур.
Жаҳолат оламин ўзгартар авом,
Қарор топар албат ўз жойида ҳақ.
Покиза қалбларда янграркан навом —
Дегайман такроран: яна анал ҳақ!

Азимжон АЗИЗОВ.



Наманган вилоятининг Янгиқўрғон ноҳиясидаги «Хўжакент» давлат хўжалиги миришкорлари яна бир қулайликка эга бўлдилар. «Хўжакент»ликлар шу пайтгача 10 километр йироқликдаги Узоқ қишлоғига қатнаб маданий ҳордиқ чиқаришарди. Энди бўлса уларнинг ўз маданият уйлари бор. Бу маданият уйида турли тўгараклар ишлаб турибди. Ҳар куни янги кино, бадиий ҳаваскорлар дасталарининг концертларини томоша қилиш мумкин.

Сиз кўриб турган ушбу суратда давлат хўжалиги болалар боғчасида меҳнат қилиш билан бирга бадиий ҳаваскорлик дастасида иштирок этаётган Шоҳида Имомалиева (чапда) ва Гулчеҳра Мирзараҳимовалар янги қўшиқ устида ишлаётгани акс этган.

А. КОВТУН суратга олган.

ШИРКАТЛАР: ҲАМ ЭҲТИЁЖ, ҲАМ ТАКЛИФ

Тошкентда ширкатчиларнинг биринчи ярмаркаси бўлди.

Тошкентликларга маълум ва машҳур бўлган пиёдалар кўчасига эрталабданоқ одамлар сиғмай кетди. Энди Ҳамза номи билан аталаётган кўча чиройли безатилган эди. Харидорлар кийим-кечаклар, бош кийимлар, пойабзал, болалар ўйинчоқлари, турли-туман халталар, ҳамда совға-салом буюмларини кўздан кечиришар, уларни харид қилишарди... Бу ерга пойтахт ва Тошкент вилояти ширкатчилари ишлаб чиқараётган турли-туман молларнинг ярим мингдан кўпроқ хили қўйилган эди. Айни вақтда ширкатчиларнинг ўзлари ҳам, дўконлардаги сотувчилар ҳам бу моллар билан савдо қилишарди. Мингга яқин ширкат «Таштекстильшвейторг», «Ташхозкульторг», бошқа бир қанча ташкилотлар билан ўз маҳсулотларини сотиш учун шартномалар тузган.

— Ширкатчиларнинг маҳсулотлари билан савдо қилиш бизга фойдали, — дейди «Таштекстильшвейторг» бошқармасининг 28-дўкон директори З. Эгамбердиева. — Масалан, биз ярим йил ичида «Ливинтуль» ширкатининг 50 минг сўмлик молини сотдик. «Бинафша» ширкатининг арзон нархли буюмларига талаб катта бўлмоқда. Келесдаги «Наргиз» ширкати харидоргир моллар олиб келмоқда. У ерда хотин-қизларнинг халатлари, болалар кийимлари, чойшаб, ёстиқ, кўрпа жилдлари тикилади... Ана шу буюмларни харидорлар жон-жон деб сотиб олишмоқда.

Тошкент шаҳар Октябрь ноҳиясида истиқомат қилувчи Ворис Маҳмудов кўпгина харидорларнинг фикрини шундай ифодалади.

— Мен ярмаркага оилам билан келдим. Хонадонимиз учун зарур ва фойдали кўп нарсалар сотиб олдим. Тошкент ширкатлари маҳсулотларини намойиш этиш ва уларни сотиш борасидаги дастлабки тажриба кўнгилдагидек бўлди, деб ўйлайман.

Бу йил тошкентлик ширкатчилар 6,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайдилар. Бу ширкат ҳаракати бошлангандан бери тайёрланган моллар миқдорига тахминан тўғри келади. Эҳтиёж бор экан таклиф ҳам бўлаверади. Ярмарка ана шу фикримизни исботлади.

П. НИШОНОВ.
(ЎзТАГ).

ТВ

28 ИЮЛЬ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Одобнома» (такрор.). 10.10 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар». Қўқон шаҳридан тайёрланган кўрсатув. 11.10 «Чорраҳа». Йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳақида. 11.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ботма, қуёш». 12.30 «Саломат бўлинг!». 13.00 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 13.30 «Деҳқон юмушлари». 14.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 15.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Олтин занжир». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия). 16.30 «Шоирлар — болаларга». Ҳаким Назир.

* * *

Тижорат кўрсатувлари

17.15 «Олтин тери». Бухоро вилояти Конимех ноҳиясидаги «Шофиркон» давлат хўжалиги қоракўлчиларининг иш тажрибасидан.

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

Қувноқ ўтсин таътиллар

17.50 «Сайёҳ ва қози», «Медуза нима эшитди?». Мультфильмлар. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 Оқшом эртаклари. 20.00 «Бухороча эртак». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 20.30 Москва. «Вақт». 21.10 «Телетомошабинлар ҳузурида». Тошкент вилояти телетомошабинлари билан сиёсий шарҳловчилар учрашуви. 22.0[illegible] «Ҳафтанома». 22.40 «Очилхон Отахонов куйлайди». Видеофильм. 23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

12.05 Шеърият лаҳзалари. 12.10 «Қизча ва масхарабоз». Мультфильм. 12.20 «Совуқ уруш»дан кейин дунёга бир назар». Америка сиёсатшунос олимлари суҳбати. 12.40 «Пламя» дастаси ижро этади. 12.50 «Олма дарахти». Мультфильм премьераси. 13.05 Яхши ният ўйинлари. Спорт гимнастикаси. Баскетбол. Эркаклар. АҚШдан кўрсатилади. 15.15 «Ирокезлар қабиласи иттифоқи». Бадиий фильм (ГДР). 16.35 «Халқаро панорама». 17.20 Томошабинларнинг талабларига биноан. «Шерлок Холмс ва доктор Ватсон». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 19.35 «Кантри услубидаги мулоқот». Совет — Америка «Диалог» қўшма корхонаси ҳақида. 20.30 «Вақт». 21.10 «Дўстлик меридианлари». Поляк қўшиқлари II Бутуниттифоқ фестивалининг якунловчи концерти. Витебскдан кўрсатилади. 23.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати. 23.15 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

Тақдир сўқмоқлари

АСИРЛИКДА ИККИ ЙИЛ

«Кобул» меҳмонхонасидан Афғонистон журналистлар уюшмаси биз учун режалаштирган навбатдаги учрашувга чиқиб кетаётганимизда москвалик ҳамкасбимиз, «Труд» рўзномаси мухбири А. Баратов:

— Сиз ҳам Ташқи ишлар вазирлигигами? — деб сўраб қолди. У бу ерга бир неча кун бурун Афғонистон касаба уюшмалари қурултойида меҳмон сифатида қатнашиш учун ташриф буюрган эди.

Рости, ўшанда биз Кобул дорилфунуни ректори билан учрашувга бораётган эдик. Шу сабабли ҳамкасбимизнинг саволига инкор маъносида жавоб қилдик.

— Биласизми, бугун соат 11 да сизнинг ҳамюртингиз, қуролли оппозиция қўлида асир бўлиб юрган Илёс Соатовни Афғонистон ҳукумати элчихонамиз вакилларига топширишади. Ҳамкасб сифатида шу ёққа боришни маслаҳат бераман.

А. Баратовнинг бу гапидан сўнг биз меҳмондорларимиздан режалаштирилган учрашувни қолдиришни, Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигига бориш ниятимизни амалга оширишда кўмаклашишни илтимос қилдик. Бир неча кундан буён бизга ҳамроҳлик қилаётган пуштун йигити Нур Мангал тезда илтимосимизни бажо келтирди.

Афғонистон Ташқи ишлар вазирлигида бизни дастлаб матбуот маркази раҳбари Муҳаммад Ҳумоюн қарши олди. У билан бир муддат Афғонистондаги вазият ҳақида суҳбат қуриб, бир пиёладан чой ичгач, Ташқи ишлар вазирлиги расмий қабулхонасига тушдик.

Вазирлик биноси остонасида Совет Иттифоқининг Афғонистон жумҳуриятидаги элчиси Б. Н. Пастухов, СССР халқ депутати, иттифоқ парламенти аъзоси Р. Ажиев, Ўзбекистон ССР халқ депутати, жумҳуриятимиз парламентидаги ёшлар билан ишлаш комиссияси раҳбари А. Аъзамхўжаев, элчихонамизнинг бошқа вакиллари ҳамда Афғонистон ҳукумати расмий вакиллари жам бўлишган эди. СССР телевидениеси, «Правда», «Труд», АПН, ТАСС мухбирлари содир бўлажак тарихий воқеадан томошабинларни, ҳамда муштарийларни огоҳ этиш учун тайёр туришарди.

Ҳамкасбимиз «Совет Ўзбекистони» рўзномаси мухбири Олимжон Назаров билан йиғилганлар орасида ўзини хотиржам тутишга уринсада ҳар ҳолда ҳаяжонини босолмаётганлиги зоҳир бўлиб турган навқирон йигит, бир неча йил мужаҳиддинлар қўлида асирлик азобини тортган Илёс Соатов қаршисига бориб, уни озодликка эришгани билан қутладик. Узоқ йиллардан буён Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ноҳиясидаги 4-ўрта мактабда бошланғич ҳарбий таълимдан сабоқ бериб келаётган муаллим, Илёснинг отаси Мўмин ака Соатовни ҳам ўғлини эсон-омон кўрганлик билан муборакбод этдик.

— Тўғриси уни шу ҳолатда, тўрт мучаси соғ ҳолда кўраман деб сира ўйламагандим, — дейди қувончдан титраб Мўмин ака. — Уни суриштириб ёзмаган жойим, учрамаган тегишли идорам қолмади. Шукрки, шу кунларга етдим.

Илёс билан қисқа суҳбатимизни бироз кейинроққа кўчиришга тўғри келди. Чунки маросимни бошлаш учун барчани расмий қабулхонага таклиф этишди. Биллур қандиллар равшан ёритиб турган ҳашаматли бинода Афғонистон жумҳурияти Ташқи ишлари вазири муовини Доуд Кавён дастлаб қуролли оппозициячиларнинг афғон халқи бошига солаётган кулфатлари ҳақида сўзлади. Сўнгра Илёс Соатовни Совет ҳукумати элчихонасига топширишдан мамнун эканлигини билдирди.

— Афғонистон ҳукуматида Илёс Соатовга нисбатан ҳеч қандай иддао йўқ, — деди у. — Биз асирликда юрган совет солдатларининг энг сўнггисини топширадиган кун тезроқ келишига орзумандмиз.

СССР халқ депутати, Афғонистон жумҳуриятида ўз байналмилал бурчини ўтаган Ризоали Ажиев Иттифоқ парламенти номидан сўзлар экан, жигар бағри хун бўлиб фарзандларини кутаётган ота-оналар ва бутун тинчликсевар, инсонпарвар кишилар Афғонистон ҳукуматининг бу ибратли ишидан беҳад мамнун эканлигини изҳор этди. Ўзбекистон ССР халқ депутати Алишер Аъзамхўжаев ҳам унинг фикрига қўшилажагини айтди. Шундан сўнг Илёснинг отаси Мўмин ака Соатов Афғонистон ҳукумати вакилларига ўзи ва оиласи номидан миннатдорчилик билдирди.

— Ўғлимни эсон-омон кўришимда ҳисса қўшган барча дўстларга минг раҳмат. Дўстлигимиз мангу давом этсин. Қачон борманг, сиз учун доимо хонадонимиз эшиги очиқ, — деди у.

Расмий маросим тугагач, СССРнинг Афғонистондаги элчиси Борис Николаевич Пастухов Илёснинг қўлини қаттиқ сиқаркан:

— Сен шу лаҳзадан бошлаб яна СССР фуқаросисан, — деди табассум билан.

Бу лаҳзада Илёснинг кўнглида айнан нималар кечгани бизга ноаён. Аммо назаримизда бу сўзлар замирида озодлик деган, мунис онаси, ака-укалари, ёру дўстлари, қолаверса, Ватан дийдори деган маъно ётганини у навқирон қалби билан ҳис этмоқда эди. Унинг соғинч туйғулари миннатдорчилик билдираётганда сўзлаган нутқида ҳам зоҳир бўлди.

Илёсни Афғонистон президенти Нажибулла қабул қилиши кутилаётганди. Шу сабабли биз у билан қисқа бўлсада тезроқ суҳбатлашиб олишга интилдик. Илёс илтимосимизга кўра бўлган воқеаларни қисқагина сўзлаб берди.

— Пастдарғомдаги 4-ўрта мактабда саккиз йил таҳсил олгач, ҳунар-техника билим юртида ўқидим. Сўнгра ноҳия ДОСААФ комитети клубида автомобиль ҳайдовчи гувоҳномасини олдим. Ҳарбий хизматни Афғонистонда ўташга тўғри келди. Бир куни дўкондан алланарса харид қилиш учун чиққан эдим. Мени жангчи кийимидаги бир нечта киши ушлаб олишди. Келтириб аксилинқилобчиларга сотишди. Дастлаб Гулбиддин Ҳикматёрга бўйсунувчи Назарёр тўдаси қўлида етти ой қамоқда ётдим. Улар менга номоз ўқишни ўргатишди. Шундан сўнггина қўлимга қурол беришди. Мени доим кузатиб юришар, унча ишонишмасди. Пайт пойлаб улар қўлидан қочишга улгурдим. Бироқ бу гал Доктор Исмоил тўдалари қўлига тушдим. Улар мени ё ўлдириш, ёки Покистонга жўнатиш тараддудига тушиб қолишди. У ерда мен илгаридан танийдиган болалар ҳам бор экан. Имконини топиб бу ердан ҳам қочишга муваффақ бўлдим. Афғон ҳукумати вакиллари олдига келиб вазиятни тушунтирдим. Улар мен ҳақимда элчихонамизга хабар қилишди. Ниҳоят неча йил орзиқиб кутган дамларга етишдим.

23 июль куни Илёс Тошкентга биз билан бирга парвоз қилиши керак эди. У билан суҳбатимизни тайёрада давом эттиришга келишдик. Бироқ, биз тайёрагоҳда уни учратмадик. Маълум бўлишича у Ватанимизга махсус рейс билан бир кун аввал учиб кетган экан.

— Бир ҳисобда унинг тезроқ учиб кетгани ҳам яхши бўлибди, дея ўйладим. Чунки биз тайёрагоҳда турганимизда чор атрофда «Ер-ер» классидаги ракеталар тушиб портлай бошлади. Қарийб бир соат ичида саккиз ракета портлади. Тошкент — Кобул йўналиши билан учадиган тайёра ҳам бомбардимон туфайли Кобулга қўнолмади. Биз Тошкентга Москва вақти билан кеч соат 17 да учишга мажбур бўлдик. Илёс билан бафуржа суҳбатимизни Ўзбекистонда бўлишини дилимизга тугдик. Энди биз осуда осмон остида ҳамсуҳбат бўлиш ҳам бахт эканлигини тушунгандик.

Амирқул КАРИМ,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири. Кобул — Тошкент.



Саволлар беринг!

Қанча комсомол аъзоси бор?

Мен бу йил комсомолга кирган эдим. Лекин барча ишлайдиган ўртоқларим устимдан кулиб: «Ҳамма комсомолдан чиқиб кетаяпти-ку, сен бўлсанг унга аъзо бўлиб юрибсан» дейишмоқда. Наҳотки, комсомолда аҳвол шу даражада оғир бўлса! ВЛКСМ аъзолари қанча эди-ю, қанча қолди! Ёшлар ҳозир ҳам комсомолга киришяптими!

А. АКБАРАЛИЕВ.
Чирчиқ.

Дарҳақиқат, ВЛКСМнинг XXI съездидан кейин унинг сафидан ўчганлар сони сезиларли бўлди. Агар съездгача комсомолда 30 миллион йигит-қиз аъзо бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони 28 миллионни ташкил қилади.

Лекин комсомолдан фақат ўчиб кетишаётган экан деб ўйлаш нотўғри. Кейинги олти ойда ВЛКСМга олти юз минг йигит-қиз аъзо бўлишган.

Масжид—қирол номидами?

Мамлакатимизда қурилаётган мусулмон масжидларидан бири Саудия Арабистони қироли номи билан аталар эмиш, деб эшитдим. Шу ростми, рост бўлса нега!

К. ИБРОҲИМОВ.
Бухоро вилояти.

Ҳа, рост! Мамлакатимизда қурилаётган масжидлардан бири Саудия Арабистони қироли Абдул Азиз номи билан аталади. Бу масжид Ульяновскда оқ мармардан безаб қурилмоқда. Қирол Абдул Азиз бу масжиднинг қурилишига 20 минг доллар туҳфа қилган. Ҳомийлар орасида СССРнинг Европа қисми ва Сибирь мусулмонлари диний бошқармаси раиси муфтий Талгат Тожиддин ҳам бордир. У киши шу қурилишга 200 минг сўм бахшида этганлар.

Чет элликларни ўқитишдан нима фойда?

Мамлакатимизнинг қайси йирик шаҳарига борманг, албатта олий ўқув юртларида ўқиётган чет эллик талабаларга кўзингиз тушади. Наҳотки институтларда ортиқча ўринлар кўп! Хуллас чет элликларнинг ўқиши давлатимизга қанчага тушади!

О. КАРИМЖОНОВ.
Андижон.

Чет эллик талабага бир йилда қанча пул сарфланишини аниқ айтиш қийин. Бу олий ўқув юртидаги танланган ихтисосликка боғлиқ. Ўртача эса икки ярим минг сўмни ташкил қилади.

Ҳозир мамлакатимизда 120 мингдан ортиқ чет эл фуқароси ўқийди. Уларнинг деярли 70 минги олий ўқув юртларида, қолганлари эса аспирантурада, малака оширишда ва техникумлардадир. Ҳунар-техника билим юртларида ҳам айрим чет элликлар ўқишади. Чет элликларнинг ўқишига ривожланаётган мамлакатларга кўрсатаётган ёрдамимизнинг атиги 1 фоизигина ажратилади.

Келгусида қисман компенсация тўлаш йўли билан ўқишни амалга ошириш кўзланмоқда. Бунда бизга талабасини юбораётган мамлакат маълум миқдорда валюта бўйича ҳақ тўлайди. Ҳозир у мутахассислигига қараб 2 мингдан 5 минг долларгачани ташкил қилади. 1992 йилга келиб чет эллик талабаларнинг учдан бир қисми ана шундай шароитда ўқийди.

Диққат, янгилик!

ГДРга — юртдошлар ҳузурига

ГДР ҳудудида, ўзбекистонликлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларда ўзбек қўшиқларининг ўзига хос ўн кунлиги бўлиб ўтди. Бу ерда Фарғона вилояти ижодкор ёшлар маркази ташкил этган ижодий гуруҳ бўлди. Унинг таркибида маданий-маърифий муассасаларнинг ходимлари ҳамда ёзувчилар, «Зилола» ва «Фарғона оҳанглари» вокал-чолғу дасталарининг артистлари бор эди.

Ижодий бригада қатнашчилари ҳарбий қисмларда концертлар беришди. Танаффус вақтларида юртдошлари қандай хизмат қилаётганликлари, қандай яшаётганликлари ҳақида улардан сўрадилар, ўз ватанларидаги турмуш ҳақида гапириб бердилар. Ҳарбий қисмлардан бирида бўлган концертда жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси М. Тошхўжаев раҳбарлигидаги «Осиё» деб аталган аскарлар дастасининг артистлари ҳам бирга қатнашдилар.

— Ким билан учрашмайлик, — деб ҳикоя қилади делегация аъзоси, вилоят кутубхонасининг ходимаси Г. Ҳошимова, — бирорта ўзбек аскаридан хизматнинг оғирлиги, уларга командирлар ёмон муносабатда бўлаётганлиги, армиядаги «оқсоқоллар» ёки бошқа миллатга мансуб бирор аскар уларга ёмон муносабатда бўлаётганлиги хусусида шикоят эшитмадик. Йигитларимизнинг ҳаммаси ўзларини яхши ҳис этишмоқда, кайфиятлари баланд. Уларнинг кўпчилиги бизга қариндош-уруғлари ва ёр-биродарларига ёзган хатларини бериб юборишди.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04719. Д. — 23510.